Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
35 сон
30 август—5 сентябр 2007 йил

# 1 сентябр—Ўзбекистон мустақиллиги куни

# БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!








## ЖОНИМ ВАТАН...

Ватан! Қадим Зарафшоннинг бўйларида қўй-қўзи боқиб, оёғим ёрилиб юрган чоғларим Ватан! Қалдирғочжар қишлоғининг қирларида эшагига қоп тўла таппи ортиб, катта энам билан бобомдан мақтов эшитиш учун билқ-билқ тупроқ кўчалардан уйга ошиққаним Ватан. Онам мен учун ёпган кулчани арикдаги лойқа сувга оқизиб-оқизиб орқасидан югуриб тутиб олиб, еган чоғларим Ватан...

Бобомнинг бошқа набиралари билан 11 киши бўлиб, ичига ловия солинган қоп-қора ёвғон пиёвани ичиш учун катта товоққа термулиб, ёғоч қошиқнинг навбати менга келишини кутганим Ватан. Ўзбекнинг минг уруғидан бўлган аждодларимнинг ҳалиҳануз мағрур нигоҳи Ватан. Ватан сен Ойимхол момонинг урушга кетганча бедарак кетган, бирортаси қайтмаган, уч ўғлининг қалбида қолган армонсан, Ватан!

Сен дунё тан берган не-не буюк зотларни, ақл-заковат соҳибларини бешигини тебратган Ватан. Не-не босқинчилар сени мавҳ этиш, ҳосилдор жаннатмакон боғ-роғларингни, олтин тоғларингни эгаллаш учун мўр-малахдай ёпирилиб келишмади.

Мислсиз вахший бўри галалари йўлига сенинг бешигингда улғайган, жаҳон ҳайратига сазовор бўлган мард, ёвқур ўғил-қизларинг Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Форобий, Муқанна, Жалолиддинлар, Темур Малик ва уларнинг сафдошлари кўксини қалқон қилди. Сенинг эркинг учун курашган Қурбонжон додҳо, Облоқули офтобачи, Намоз ботир, Дукчи эшонлар қисматини айтайми? Сен учун дорга осилган Дукчи эшонимсан Ватан! Сен Шавкат Раҳмоннинг армонли сўзи. Муҳаммад Юсуфнинг телбавор суфий қалб уммонига сиғмаган туйғусан Ватан! Сен буюк Машрабни улғайтирган ишқсан. Нодира кўзини ёшлаган маҳбуб! Сен Берунийдан Навоийга қадар, Навоийдан Бобурга қадар Бобуршоҳдан Чўлпонга қадар буюк - суюк Ватансан!

Эй, сен Темурбекдек даҳони бешигида улғайтирган ҳайратли достон! Эй, сен Улуғбекдек мунажжимни, ҳукмдорни осмонига ошно қилган осмон. Сен Синога вахийлик қилиб жаҳонни лол қилган мангулик. Комилжоннинг оташ овозини қил торларга жойлаган Ватан! Абдулланинг закосини олам узра ёйган Ватан.

Эй, сен Ватан! Кўзимга нур, қалбимга зиё, дардимга дармон, шеърларимга илҳом руҳиятимга мадорсан Ватан! Дунёга келганим учун кўз очиб сени онамни кўрганим учун кўплар қатори ошиб-шошиб, урилиб-сурилиб яшаётганим учун, фарзандларим камоли учун, кўриб турганим учун, юриб турганим учун, худо берган ризқимни оздир кўпдир ошаб турганим учун, тўйлар кўраётганим учун, оққушдек нозик ниҳол келиним учун, туғилажак набирам учун, ёруғ осмон учун, ботаётган ва отаётган тонглар учун, насим еллару қушларнинг хуш овози учун, мўъжазгина гулзор хонадоним учун, бариси учун сенга ташаккур Ватан!

Эй, қиёси йўқ жаннатмакон юрт! Мен бой бўлмадим. Менинг зарим йўқ, зўрим йўқ, пулим йўқ, молим йўқ. Қалб тўла шеърлариму қўшиқларим бор, холос. Мен сени бор ҳолингча, шу туришингча, шундайича севдим. Сенинг тупроғингни севдим, баланд-баланд тоғларингни севдим. Шарқираган сойларинг-у, тошқин-тошқин дарёларингни севдим. Севиб-севиб севдим!

Мустақил йўлга чиқиб олган карвоним Ўзбекистоним! Кўз тегмасин сенга! Сенинг буюк бунёдкорлик ишларингни, кундан-кунга чирой очаётган шаҳар қишлоқларингни кўриб ҳайратим ошади. Чет элларда таълиму таҳсил олаётган фарзандларингга қараб, ҳавасим келади.

Эй, сен ота-боболарим аждодларим ҳоки туроби ётган муқаддас замин! Шу қутлуғ айёминг олдидан тонг саҳар уйғониб тупроғингга бош қуйиб пойингга тиз чўкиб саждалар қилдим! Йўлинг, келажагинг ёруғ бўлсин! Чароғон бўлсин! Сен авлодлар, аждодлар байроғини баланд кўтариб, ёрқин йўллардан боравер! Тинчлик билан отаётган тонгларинг таборак бўлсин! Бутун Ўзбекистон бўйлаб тўйлар фасли бор бўлсин! Бошимдаги тожим суяган тоғим Ватан! Буюк мустақиллик байраминг муборак бўлсин!

*Сутла кирган жонимга сен,*
*Бош урарман пойингга мен.*
*Аждодларим қонида сен*
*Сен паноҳсан, жоним Ватан!*
*Саждагоҳсан, жоним Ватан!*

**Саломатхон МАМАТҚУЛОВА,**
**шоира.**
**Самарқанд вилояти,**
**Тайлоқ тумани.**

## ШУКРОНА

***Юртимиз узра улуғ айём - мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами шаън-шукуҳи кезмоқда. 31 август эса мамлакатимизда қатағон қурбонларини ёд этиш куни. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист, таржимон Холида АҲРОРОВА ҳам табаррук 80 ёшга кирдилар. Ҳаяжонли кунлар остонасида Холида опа билан учрашиб, суҳбатлашдик.***

**- Холида опа, болалигингиз, туғилиб ўсган хонадонингиз, ота-онангиз ҳақида гапириб берсангиз.**

- Болалигим Тошкентнинг Қозиработ маҳалласида ўтган. Отам- Муҳаммад Саид Аҳрорий ўта маърифатпарвар инсон, ёзувчи ва ўқитувчи бўлганлар. Ўқчи маҳалласида биринчи бўлиб янги мактаб очганлар. Онам- Вазирахон ая эса боқчада мураббийлик қилганлар. Отамдан уч ёшимда етим қолганман. Отам ўлмаганлар. Эрта билан ишга кетганлар-у, шу-шу бедарак йўқолганлар. Эсимни таниб, ўқишга, ишга кирганимда - бутун умр анкета тўлдирилганда, "отам бедарак йўқолганлар", деб ёзиб келганман.

Ёш етим қолганим учун отам ҳақида ҳеч нима билмасдим. Бошингда отаи бузрукворинг бўлмагач, ҳар ким ҳар хил маслаҳат бераверар экан. Менга ҳам аввалига: "Фамилиянгни ўзгартиргин, холанг каби Раҳмонова бўлгин. Отангни ўлган деб ёз", деб маслаҳат бергувчилар бўлган. Энди билсам, улар менга яхшиликни раво кўришган - тинчлигимизни кўзлашган. Бу тўғрида онамга айтганимда шундай жавоб берганлар: "Бир бошга - бир ўлим. Фамилиянгни ўзгартирсанг ёлғончи бўласан. Отанг ким дейишса, "Раҳмон", дейсанми? Инсон боласи бошига қилич келса ҳам ёлғон сўзламаслиги керак! Отанг масаласига келсак, шуни қулоғингга қуйиб ол - отанг ўлмаганлар. Аза очмаганмиз, ўликларини олиб бориб, кўммаганмиз. Бу қандайдир бир сир, ҳақиқат қирқ йилдан кейин бўлса ҳам юзага чиқади, албатта. Мени десанг, ҳеч қачон ёлғон гапирмайсан - мени норози қилмайсан..."

Онам Вазирахон майин, юмшоқ бўлсалар ҳам ана шундай бир сўзли инсон эдилар.

Онагинамни эсласам, юрагим ўртанади, бутун борлиғим бўронда қолган навниҳолдай тўлғонади.

"Онагинамнинг ҳеч бахтли кунлари бўлганми?" - деб сўрайман ўзимдан-ўзим. Олтмиш йилдан бери хонадонимизда сақланиб келаётган қатор суратларни эслайман-у, "Ҳа, оилавий ҳаётларининг илк йиллари истиқлол учун курашган Муҳаммад Саид Аҳрорий мустабид давлат тарафидан отувга ҳукм этилиб, 1931 йилда отиб юборилгангача ўтган ўн йиллик оилавий ҳаётлари бахти бекам даврлари бўлиши керак", деган хулосага келаман. Дадам хизмат қилган Бухоро, Боку, Самарқанд, Қарши шаҳарларида - умр йўлдош қай жойга ишга юборилса, кетидан кўч-кўронини кўтариб, уч норасидаси билан мусофирчиликда яшаган эсада, онагинам суюкли умр йўлдоши меҳри ва ардоғида бўлганлар, деб биламан.

Эсимда: фронтда жанг қилган акам Аҳмаджондан келган мактубларга термулардилар-у, биров келиб ўқиб беришини кутардилар. Акамга жавоб хати ёзолмай юм-юм йиғлардилар.

**(Давоми 3-бетда)**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

## МЕН СЕНИНГ ҚИЗИНГМАН



Ватан! Бу муқаддас заминда содда оқ кўнгил, бағри кенг, меҳмондўст ўзбек халқи яшайди. Ўзбекистонимизнинг иссиқ қуёши, олтин пахталари-ю, Бахмалининг беш юлдуз нақш олмаси, Зоминнинг пурвиқор тоғлари-ю, кўм-кўк арчазорлари, Форишнинг сўлим гўшалари, сирли сойлари, Наманганнинг бетакрор гуллари, Самарқанду Бухоронинг қадимий навқирон бетакрор обидалари кимни ҳайратга солмайди, дейсиз. Мен худди шу юрт фарзанди эканлигимдан, оддий Ўзбек аёли эканлигимдан фахрланаман. Онажоним - Ватан, қутлуғ 16 ёшинг муборак бўлсин. Осмонинг мусаффо, далаларинг буғдойга тўла, ёшларинг сенга содиқ бўлсин. Ҳаммамизга мустақиллик муборак, азиз ватандошлар!

*Мен сенинг қизингман, ўғлингман зотан,*
*Туғилдим, бағрингда яйрадим, ўсдим.*
*Сен онам, сен отам, боламсан Ватан,*
*Сен сабаб, яшамоқ, завқини туйдим.*

*Сочларим қирққокил, Чуст дўппинг бошда,*
*Марғилон атласинг кўзим қувнатар.*
*Ватан! Сен навқирон ўн олти ёшда,*
*Довруғинг достондир, кўкни титратар.*

*Ўн олти гул ёшинг муборак Ватан,*
*Аждодлари азиз - табаррук Ватан.*
*Минг шукр, шу юртда туғилдим, ўсдим,*
*Осмони мусаффо, гавҳар-дур Ватан.*

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**муаллима.**
**Тошкент вилояти, Бўка тумани.**






Фарғона водийсидаги нуфузли олий ўқув юртлари қаторида турган Қўқон Давлат Педагогика институтининг 7 та факультетига бу йил 1800 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Улар мустақиллик йиллари камол топганлиги учун ҳам бундан 10-15 йил олдинги талабаларимиздан ўзининг шижоати, мақсадга интилиши билан ажралиб туради. Эркинлик ва мустақиллик йўлларида топган қадримиз, эриш-

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

ган бахтимиз ва ютуқларимиз ёшларимизни янада фидойи, қатъиятли, билимдон бўлишга ундайди. 16 йил тарих деган чексиз-чегарасиз уммон олдида бир лаҳзага ўхшайди. Лекин ҳаётимиздаги янгиланишлар, эзгуликка хизмат қилаётган islоҳотлар, фарзандларимизнинг келажаги учун яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, унинг қудратига тан берамиз. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий маданияти, дунёвий ва исломий билимлар, миллий қадриятлар асосида шаклланади. Аммо, шуни унутмаслигимиз керакки, юқори малакали мутахассис, етук ўқитувчи бўлиш ҳали тўла маънавий баркамолликни билдирмайди. Юксак маънавият соҳиби бўлиш учун чуқур билим олиш, ҳаёт мактабини ўташ, миллий ғурур; билим олиш, ҳаёт мактабини ўташ, миллий ғурур, иймон, эътиқод каби тушунчаларни англаш талаб этилади. Тўғри, маънавий тарбиянинг самараси дарҳол кўринмайди. Масалан, мустақилликнинг маънавий аҳамиятини 5-10 йил кейин келадиган авлод бугунги ёшларга нисбатан ҳам янада мукаммал тушунади. Чунки, истиқлолнинг маънавий натижалари амалда борган сари ёрқинроқ намоён бўлади.

Қисқаси, таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишдир. Бу ишларни амалга оширишда маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Қўқон Давлат Педагогика институти жамоаси ҳам шу эзгу мақсаднинг рўёбга чиқишида улкан ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз. Барча юртдошларимизга истиқлол байрами муборак бўлсин!

**Валижон МАҲМУДОВ,**
**Қўқон Давлат Педагогика институти ректори, доцент.**
**Ҳулкар ҲАМРОЕВА ёзиб олди.**

## ДУНЁНИ ЧАРОҒОН КЎРИШСИН!



- 30 йилдан буён кўз касалликлари шифокори бўлиб ишлайман. Шифохонамиз 65 ўринли. 250 қабулга мўлжалланган поликлиникамиз ҳам бор. 27 нафар малакали шифокор хизмат қилади. Букун даволаш бўлимларимиз энг замонавий жарроҳлик ускуналари билан жиҳозланган. Шароитларимиз яхши. Кам таъминланганларга 80% пуллик, елғиз ва ногиронларга бепул хизмат кўрсатамиз.

Келиним Мавлудахон ҳам врач. Қизим Комилахон эса ТошМИ талабаси. Хўжайиним - Маҳмуджон ака рассом, қизим Нозимахон- иқтисодчи бўлсалар-да, доим мен билан бирга касалларим учун жонлари куйиб юришади. Ўрни келганда ёрдамларини аяшмайди. Онам (Моҳизода ая) ва Отам (Маҳмуджон ака) ҳам қилаётган аъмолларимдан хурсанд, диллари дуода.

Менга хайрихоҳ оилам, севган касбим борлигидан ва менга шундай шароитлар яратиб берган элу юртим борлигидан фахрланаман. Ҳаммага бу дунёни чароғон кўриш насиб этсин!

**Маъмура ҚОСИМОВА,**
**Фарғона вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори.**
**Санобар ёзиб олди**

## ВАТАН, СЕН САЖДАГОҲИМСАН!



- Ўтаётган ҳар бир кун бизни мустақилликка яқинлаштирар экан, мен ҳам унинг тенгдоши эканлигимдан фахрланаман. Эҳэ, мустақиллик туфайли биз ёшларга қанчадан-қанча имкониятлар яратилди. Биз ижодкор ёшлар учун "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти, санъат остонасига энди қадам қўйган, умидли йигит-қизларга "Ниҳол" мукофоти бериладиган бўлди. Илмга ташна тенгдош ва опа-сингилларимизга дунё эшиклари очилди. Ҳунар-талабаларга "Устоз-шогирд" гуруҳлари бағрини очган. Айниқса, бу йил биз—16 ёшлилар-мустақиллик тенгдошларига барча коллежларга имтиҳонсиз кириш имтиёзи берилди. Албатта бундай юртда, бундай замонда яшаш - бахтнинг ўзгинаси-да!

Барча ёшларга ана шу Ватанга муносиб бўлиш, бу кунларнинг қадрига етиш ҳисси ҳамроҳ бўлишини тилайман!

**Кундузхон ЭГАМОВА,**
**Тошкент шаҳар,**
**69- мактаб ўқувчиси.**

## ТЎМАРИС АВЛОДЛАРИМИЗ



- Спортнинг узоқ масофага югуриш, баскетбол, теннис ва каратэ турлари билан шуғулланаётганимга 10 йилдан ошди. Онам Клара Оллаберганова ва отам Озод Казаковлар ҳам спорт усталари бўлганлари учун биз фарзандлари-мен, Улуғбек, Ойбек, Отабеклар ҳам спортга ҳавасманд ўсдик. Спорт одамни соғлом ва қўрқмас бўлиб вояга етишига ёрдам беракан. "Тўмарис қизлари", "Умид ниҳоллари" сингари спорт мусобақалари биз учун катта имконият яратди. Шу орада Нукус Давлат Иқтисодиёт коллежини тугатиб, Қорақалпоғистон Ички ишлар тизимида ишлай бошладим. Иш билан бирга спортнинг кикбоксинг турида ҳам ўзимни синаб кўрдим. "Ўзбекистон республикаси чепиони" деган шарафга эришганимда қувонганимни айтмайсизми! Кўп марта каратэ бўйича Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон чемпионатлари ғолиблари шоҳсупасига кўтарилиш ва кумуш совринлар соҳиби бўлиш насиб этганидан бахтиёрман. Греция, Боку ва Россия давлатларида аёллар ўртасида 1-марта ўтказилган дзюдо, кикбоксинг, каратэ, қўл жанги, самбо ва кураш мусобақаларида юртимиз шаънини ҳимоя қилдим. "Яккакураш маликаси-2007" мусобақасида 2-ўринни олиб, "Мисс латофат" бўлганимда, Осиё кикбоксинг президенти Сардор Тошхўжаев "2007 йилнинг энг яхши спортчиси" деб эълон қилганларида касбдошларим олдида катта масъулият сезгандим. Букун ана шу масъулият ҳисси билан яшаяпман. Бахтлиман!

Барча опа-сингилларимиз, дугоналаримизга ҳам байрамолди тилагим- орзуларига етишиб, ҳаётларидан кўнгиллари тўлиб, тетик ва бардам бўлиб юришсин!

**Нодира КАЗАКОВА,**
**Қорақалпоғистон республикаси,**
**Нукус шаҳри.**
**М. Мирсодиқов ёзиб олди.**

## ОЛДИНДА—ЎҚИШ, ИЗЛАНИШ



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида 2007-2008 ўқув йилида Олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилинган Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларини қутлаш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан, мана, 8 йилдирки, юртимизнинг ноёб истеъдодли қизлари бундай шарафли мукофотга сазовор бўлиб келмоқдалар. Бу йил ушбу мукофот соҳибаларидан 9 нафари турли йўналишлар бўйича олий ўқув юртларига қабул қилиндилар.

- Жуда кўплаб қизлар орзу қилган бахтга Юртбошимиз ва ҳукуматимиз берган имтиёз орқали эришганимдан бахтиёрман. Бизга кўрсатилаётган бу ишонч ва ғамхўрликка муносиблигимни ўқиш ва ижодда юртимизни билан исботлашга ҳаракат қиламан,-дейди Шаҳноза Очилова.

- Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни турли йўналишда ижод қилаётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш қўмитамизнинг ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва бурчидир. Бу мақсадимиз ҳосиласи - ёшларимизнинг олий даргоҳларда илм олиш саодатини бераётганидан бахтиёрмиз, - дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўрибосари Гулнора Маъруфова.

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

# ШУКРОНА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рассом бўлиб етишган акам Аҳмаджон Аҳроров 1942 йилда аскарликка олиндилар. 1942 йил июнини эсласам, юрагим орқага тортади. Онаизорим нақ соя бўлиб қолдилар. Акам жўнаб кетгач, орадан бир ҳафта ўтмай ётиб қолдилар - ортиқ қадларини ҳам, бошларини ҳам кўтара олмадилар. Ўшанда онам эндигина ўттиз етти ёшга кирган эдилар. У ёғини сўзлашга тилим бормайди: узундан-узун икки йил мобайнида акам Ленинград областида - Волхов бўйлари ва Синявин ўрмонларида жанг қилдилар.

Оҳ! Эссиз, эссиз, акагинамнинг хазон бўлган ёшгина умри...

Бор-йўғи йигирма бирга кирар-кирмас ҳалок бўлган ўзбек фарзанди. Онагинам ишонган боғи, суянган тоғи! Боғи кунпаякун бўлган, суянган тоғи ер билан яксон бўлган кимса яшай оладими?!

Онам бу ғамга чидадилар - дош бердилар. Булар кўрар кўз учун - омон қолган фарзандларининг кўнглини чўктирмаслик учун тиш ортидан ситиб чиқа олмаган фарёдлар бўлиши керак. Менга қолса бу кундан кейинги ҳаётларини умр дафтаридан ўчириб ташлаган бўлардим. Негаки, суйган умр йўлдошидан, севимли ўғлонларидан айрилишга дош беролмадилар - руҳий дардга мубтало бўлиб қолган эдилар. Янаям инсон ҳўл бўларкан, чарсиллаб, гувиллаб ёниб кетмас экан. Аммо онам шўрлик ичдан ёндилар, ёна-ёна кул бўлдилар...

Ёшимга ёш қўшилгач, онам тортган азобларни тушуниб етгандай бўлдим. Тушундим, деб сира айтолмайман - тушуниб етгандай бўлдим.

**- Холида опа, умрингизнинг кўп қисми асосан хотин-қизлар нашри "Саодат" журнали билан боғлиқ ўтибди. Оила, рўзғор юмушлари, устига устак журналда бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлагансиз... Катта-катта романларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилгансиз. Қийналган, эзилган дамларингиз ҳам бўлганми?**

- Тақдир мени беҳад чиройли, беҳад улуғвор шоирамиз - Зулфия опа билан учраштирганда, энди 24 ёшга қадам қўйгандим. Зулфия опа "Саодат" журнали ("Ёрқин ҳаёт") да адабиёт ва санъат бўлими бошлиғи, мен адабий ходим бўлиб ишладик. У киши муҳаррир этиб тайинлангач, менга ишониб ўринбосарликни топширганлар.

Бир оила бекаси сифатида рўзғор юритишимда, бирин-кетин туғилган беш фарзандимни ўстириб, тарбиялашимда Зулфия опагинамнинг меҳру муҳаббати, мадади, ғамхўрлигини доимо ҳис этганман. Зулфия опа ўзбек аёлининг қадди, қадри, шаъни юқори бўлиши кераклигини ўз ҳаётлари мисолида исботлаб бердилар ва ана шу йўлда ижод қилдилар, курашдилар.

Ана шундай инсон билан ишлаган, яшаган одамлар у кишидан беқиёс руҳий қувват олиши табиий эди. Шу қаторда мен ҳам улуғ устозимиздан ҳаёт сабоғини олиб кам бўлмадим, машаққату қийинчиликлардан ғолиб келиб яшадим.

Журналдаги масъул вазифамни уддалашим билан бир қаторда 100га яқин классик ёзувчиларнинг асарларини таржима қилдим. Ўндан ошиқ бадиий асарларим чоп этилди. Редакциямиздан ижодкорларнинг қадами аримасди. Айниқса ёш ижодкорлар Зулфия опанинг меҳр ва муҳаббати оғушида эдилар. Шу боис ҳам букун ижодкор ёшларни парвозга йўлловчи "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгани-ҳақиқат рўёсидир.

**- Ватанимиз мустақиллиги, иқболи - истиқболи ҳақида ўйларкансиз, хаёлингиздан нелар кечади?**

- Юқорида отам ном-нишонсиз ғойиб бўлганида мен уч яшар қизалоқ бўлганлигим ҳақида айтдим. Ўша уч яшар қиз - яъни, мен олтмишдан ошганимда отам тақдиридан огоҳ бўлдим. Журналистлик касбим қўл келиб, дадамнинг фожиали тақдирига доир маълумотларни хужжатгоҳларда ўрганиб, бу ҳақда ёзиш имконига эга бўлдим. Буни мен истиқлол менга - шахсан ўзимга ва бутун авлодимга берган саодат деб биламан. Бу ҳақда "Саид Аҳрорий", "Изларингни излайман" номли китобларимда ёзганман. "Ўтгани юракдан ўтди" тўпламим ҳам ҳаётдан топган ҳикматларим ҳақидадир.

Ватан иқболи, истиқболи ҳақида ўйларканман, бахтиёрликдан энтикиб кетаман. Бу кунлар қайда эдия... Ахир бу кунни - юртимизга истиқлолни келтириш учун халқимизнинг не-не ўғлонлари азиз жонларини фидо қилганлар. Бу кунларнинг қадрига етишимиз, шукр қилишимиз керак. Биз Ватанга аввало соғлом, имонли-инсофли, билимдон ва ҳур фарзандлар ўстирайлик. Кўрган кишининг кўзи қувнайдиган, дили яйрайдиган фарзандларимиз келажакда юртимизга посбон бўлсин, элни бошқарсин.

Худога шукр, ҳозир фарзандлар, набираю абиралар ардоғида яшаяпман. Мустақиллик неъматидан баҳра олиш насиб этганига шукрона айтмай бўладими! Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, ахир!

**- Суҳбатингиз учун ташаккур, азиз устоз! Умрингиз узоқ, бахту саодатингиз бекам бўлсин!**

**ДИЛБАР ва САНОБАР суҳбатлашишди.**

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

## VII. Мақтанчоқ эр

Эркак зоти ўзи ғалати бўлади. Баъзилари чапани бўлиб, уят-андиша кўчасидан чиқиб кетадиган бўлса, баъзилари мақтанчоқлик кўчасига кириб, шу кўчада қолиб кетган бўлади. Айримлари аёллар билан дўстлашгандек бўлиб юради-да, улфатларига бўлмағур гапларни достон қилади. Айримлари, аёллар билан ўтиришади, юришади, ҳангома қилишади-да, дуч келган оғайнисига оғиз кўпиртириб гапириб беради. Баъзилари бўлса, бир аёл билан танишиб олади-да, у бечоранинг қўлини ушлар-ушламас ошналарига унинг белидан қучдим, деб ёлғон гапиради. Яна баъзи бирлари...

Шундайлар ичкилик бор гурунгларда иштирок этиб қолсалар борми, ана унда кўринг. Шу қадар "илҳомланиб" кетадилар-ки, бисотларидаги бор ёлғон-яшиқларни тўкиб соладики, эшитаётган одамнинг оғзи ланг очилиб қолади. Улфатчиликда шундай олчоқлардан иккитаси ёнма-ён ўтириб қолса борми, зиёфатнинг охиригача бири олиб, бири қўйиб опқочишларини кўринг! Э, ҳа!!! Улар билан мулоқотда бўлган яхшидир-ёмондир аёлларнинг устидан мағзава тўкилади. Кўп яхши аёллар худди шундай эркаклар зотидан зада бўлиб қолганлар. Сенларни одам билиб, танишим, ҳамкасбим,ҳамкурсим деб аёллар мулоқат-муносабат ўрнатсалар-у, сенлар уларни маломат қилиб, қилган-қилмаган ишларингни оламга ёйиб у бечораларни ёмон отлиғ қилиб юрсанг-сендақа эркакларга суф?

.... Карим шундай мақтанчоқ эркаклар тоифасидан эди. Нима бўлди-ю, бундан ўн йил бурун бирга ўқиган курсдошини кўчада тасодифан учратиб қолди. У билан бир соатлар гаплашиб турди. Қараса Муқаддамнинг кетгиси йўқ. Каримнинг хаёли бузилди. Ҳамкурсини "айлантиргиси" келди. Бундай эркакларга аёллар сал яхши гапириб қўйса, бироз кулиб қараса бўлди. Кўнгиллари шу заҳоти суст кетади. Карим ҳам фурсатдан фойдаланиб қолиш учун Муқаддамни ресторанга таклиф қилди. Муқаддам соддалик қилиб розилик берди. Курсдошларни ким соғинмайди, дейсиз? Гапдан гап чиқиб мавзу, табиийки, шахсий ҳаётларига кўчди...

Муқаддам етти йил яшаб, фарзандсизлиги туфайли эри билан ажрашган экан. Собиқ эри иккинчи марта уйланганида ҳам фарзанди бўлмабди. Муқаддам эса шундан бери турмуш қурмади. Карим эса уйланган, бола-чақали. Турмуши мақтанса арзигудай. Учта боланинг отаси!!! Бу уни ғурурлантиради. Шундай қилиб, собиқ икки курсдош узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Қисқаси, мириқиб гурунглашишди. Ниҳоят, Муқаддам туришга чоғланди...

Туман маркази сўлим эди, сайлгоҳ эди. Шундай оромгоҳда сайр қилмай бўладими?! Улар бироз сайр қилишди. Каримнинг қистови билан овлоқроқ жойга бориб ўтиришди ҳам. Аммо одоб доирасидан чиқишмади. У бу собиқ курсдошини бир пайтлар қанча ёқтирган бўлмасин, ор-номусига гард юқтирмади. Карим эса ҳар қанча уринмасин ниятига эриша олмади. Муқаддам курсдошининг дарди нималигини сезсаям, ўзини сезмаганга олди. Ўрнидан даст туриб такси тўхтатди-да, хайр-хўшни ҳам насия қилиб жўнаб қолди... Каримвой ичкилик таъсирида кайфи ошиб бораркан, хаёлан Муқаддам билан ҳамон бирга эди. Қўлларидан, билакларидан, қўлтиқларидан тутди. Кайфи ошиб уни хаёлан бағрига босди. Бугун бўлмаган бўлса эртага меники бўласан, деди, ширин хаёлга ботди. Ширин хаёл ширин орзуларга етаклади... Шу пайт ҳамсояси Эргашвой рўпара келиб қолди. У бундан сал олдинроқ дўстининг Муқаддам билан бирга скамейкада чақчақлашиб ўтирганини кўрган эди.

- Ҳа, Каримвой бугун ошиғинг олчи экан-да. Кўрдим, бир жонон билан хиринглашиб ўтирганингни. Кўзга яқин аёл экан, сенга қойилман, - деди. Мақтовни эшитиб Карим талтайиб кетди:

- Кўриб қолдингми? Майли, ҳеч кимга чурқ этма. У менинг танишим. Бир марта учрашайлик, деб қўймаган эди. Уйига чақирганди, бормадим. Тағин бўйнимга осилиб олмасин дедим. Тўғри қилибман-ми? Ўзинг биласан бола-чақали одамман...

- У ҳам ичдими?

- Ким....?

- Ҳалиги, танишим, дединг-ку.

- Ҳа-да, роса ичди. Илгарилари ҳам роса ичар эди. Мени маст қилиб... Э, бу ёғини мен гапирмай, сен эшитма...

- Юр кетамиз. Кеч бўлиб қолди. Хотининг хавотир бўлиб ўтиргандир...

- Хотиним... Ҳа, айтмоқчи... Эсимдан чиқиб кетибди. Доим шундай... "У" билан бўлганимда хотиним эсимдан чиқиб кетади.

- Ҳа, яхши. Мана такси ҳам келди. Қани ўтир, кетдик...

...Эргашвой бу воқеани кечаси билан оқизмай-томизмай, пича қўшиб хотинжонига гапириб берди: "Ўз кўзим билан кўрдим... Ўзим уни таксида олиб келиб уйига киргизиб юбордим." Уйига кирмайман, "ўша"-никига бораман дейди, тихирлик қилиб"... Эргашвойнинг хотини эрининг сўзларига тамоман ишонди. Аксарият, аёллар бундай ғийбат гапларга тезроқ ишонадилар-ку... Тонг отди. Эргашвойнинг хотини сабрсизлик билан Каримнинг хотини олдига чиқди. Бўлган-бўлмаган воқеаларни қўшиб у ҳам ҳамсоясини ўтга солди. Каримнинг хотини:

- Вой, оғзингдан қонинг келгур. Туни билан мени ухлатмай мақтаниб, керилиб чиқадиган гаплари рост экан-да! Етти маҳалла эшитибди-ку! Вой, жувормаг. Уйғониб ўзига келсин, мен унга энди ўйнаш нималигини кўрсатиб қўяман!-деди, дарғазаб бўлди-ю эрининг илгарилари ҳам мақтаниб гапирган гаплари кўз ўнгидан бирма-бир ўтди... Одатда, аёлларнинг бошқа аёллар юз-кўзида камситилиши, таҳқирланиши, оёқ ости қилиниши уларга жуда оғир ботади. Чунки улар бундай пайтда ўзларини иснодга қолган ҳис қиладилар. Эрининг ўз оғзидан эшитганда бу гаплар унга бунчалик қаттиқ таъсир қилмаган эди. Буларни ён қўшнисидан эшитганига у чидаб тура олмади...

...Карим чошгоҳда бошини ёстиқдан зўрға кўтариб ҳовлига чиқди. Шу пайт дабдурустдан бошига сўйил тушди. Кўзи чақнаб кетди. Боши гир-гир айланди ва гандираклаб бориб ахири йиқилди. Хотини бўш келмай яна икки марта боши аралаш елкасига туширди. Таёқ синиб кетди. Болалар додлашди. Хотин эса қарғай-қарғай уч боласини етаклаб отасининг уйига кетиб қолди... Маҳаллада бўлди гап, бўлди гап...

...Ўйлаб қоласан киши:- Ҳой, эркак!!! "Эркакман", деб кўкрагинга урасан-у, номарднинг ишини қиласан! Сени одам деб, сен билан мулоқот қилган аёлни нечун гап қиласан, устидан мағзава тўкасан, шарманда-ю шармисор қиласан, нега?! Аёл билан суҳбатда бўлдингми, унинг ҳурматини сақлагин-да, ножинс! Пасткашлик ҳам шунчалар бўлурму?!..

...Ҳайриятки, Муқаддамнинг исми ҳеч бир ерда тилга олинмади. Акс ҳолда кўнгли тўғри, ўзи тўғри, покиза бир аёлнинг аҳволи не кечар эди?! Лоақал, курсдошингнинг шаънини ўйлаб кўрмадингми, нокас?!..

**Азимжон ҚОСИМОВ**



4 Oila va jamiyat № 35 (826) 30 август — 5 сентябр 2007 йил Оила ва жамият

# МЕН АДАШДИМ, СИЗ АДАШМАНГ...

- Гапни нимадан бошлашни ҳам билмай турибман, - дея сўз бошлади таҳририятга қўнғироқ қилаётган қиз.

**- Бир бошдан сўзлайверинг, қулоғим сизда, - дедим мен...**

У аввал бироз ўйланиб туриб, ниҳоят мақсадга ўтди.

- Исмим Камола. Ўзим вилоятдан келганман. Институтнинг иккинчи босқич талабасиман. Бир дугонам билан ижарада турамиз. Бир куни кечга яқин дугонам билан кўчага айлангани чиққандик. Шунда орқамиздан бир енгил машина келиб тўхтаб, ҳайдовчи йигит бизга: "Қизлар, юринглар, айлантириб келаман", - деди.

Дугонам: "Кетдик, айланиб келсак, нима қипти?" - деди. Чунки у шу кунларда севган йигити билан аразлашиб қолгани сабабли сиқилиб юрганди. Унинг қистови билан машинага ўтирдим. Ҳайдовчи йигит хушчақчақ эди. Мен ундан: "Ҳар доим ҳам шундай хушчақчақ бўлиб юрасизми?" - деб сўрадим. "Ҳар доим эмас-у, соат 6 дан кейин хушчақчақ бўлиб қоламан", - деб илмоқли жавоб қайтарди. Дугонам орқа ўриндиқда, мен эса ҳайдовчи йигит ёнига ўтиргандим. Чунки орқа ўриндиқ 5-6 та сеткада ҳар хил мева-чева, полиз маҳсулотлари борлиги сабаб банд эди.

Хуллас, йигит бизни гапга сола бошлади. Сездимки, нияти бузуқ. Мен дугонамга қараб: "Тушамиз",- деган ишорани қилдим. Дугонам ишимиз зарурлигини айтиб, бизни манзилимизга олиб бориб қўйишини йигитдан илтимос қилди. У эътироз билдирмай, биз айтган жойга олиб борди. Машина тўхтаб, дугонам биринчи бўлиб тушди. Мен ҳам эшикни очиб тушаётган эдим, йигит билагимдан маҳкам ушлаб: "Исмингиз нима?" - деб сўради. Мен ёлғондан: "Моҳира", - дедим. "Телефон рақамингизни айтинг", - деди у. Гарчи телефонимиз бўлса ҳам: "Телефонимиз йўқ",-деб уни алдадим. "Унда менинг телефон рақамимни ёзиб олинг, зериккан пайтларингиз қўнғироқ қилинг, айланамиз, сиз менга ёқиб қолдингиз", - деди дабдурустдан. Мен унинг бу гапидан сесканиб кетдим. Қўрққанимдан телефон рақамини ёзиб олиб, машинадан тушдим. "Хайрият қутулдим, иккинчи кечки пайт айланишга чиқиб, бу номаъқулчиликни қилмайман", - деган гап ўтди кўнглимдан.

Орадан бир кун ўтиб, дарсдан қайтаётсам, ўша йигит йўлимни тўсиб: "Юринг, уйингизга олиб бориб қўяман", - деди. Мени шу институтда ўқишимни, исмимни қаердан билганига ҳайронман. Назаримда кеча бизни кузатган куни у изимизга тушиб, кимдандир билиб олган. Ҳар куни шу аҳвол давом этаверди. "Севдим-куйдим. Агар ишқимни рад этсанг, бу дунёдан тоқ ўтаман", - деб сира ҳол-жонимга қўймади. Энди мен ҳам уни ёқтира бошладим. Охири ўзимни унга бағишлаганимни ҳам билмай қолдим. Пок эканлигимни билгач эса: "Қизларга сира ишонмасдим. Мана бор экан-ку, тоза қизлар ҳам", - деб негадир ажабланганини яширмади ҳам.

Шундан сўнг мен тамоман унга боғланиб қолдим. Бора-бора эса... У негадир аста-секин мендан узоқлаша бошлади. Билсам, у бошқа дугонамга кўз олайтира бошлаган экан. Унга: "Менга уйланаман, деб алдаб юрган экансиз-да, энди мен нима қиламан, дугонамга севги изҳор қилибсиз", - десам: "Ҳа, сен нима деб ўйлаган эдинг, мен сени зўрлаганим йўқ. Ўз ихтиёринг билан бўлди ҳамма иш. Хоҳласанг шу, дугонанг билан ҳам, сен билан ҳам юраверaман, энди сенга барибир эмасми?" - деб жавоб қайтарди. Бу гап менинг юрагимга найза бўлиб санчилди. Уни унутиш учун тўғри келган, чиройли йигитлар билан бирга бўлдим. Неча йигит билан



бирга бўлган бўлсам, бирортаси хотирамда ёрқин из қолдирмади. Кейинчалик бир нарсани аниқ пайқаб қолдим. Улар иши битгунча менга ҳавас билан, кейин ифлос бир нарсага жирканиб қараётгандай қарашарди. Аслида ҳам шундай экан. Мен ўзимни шу қадар тубанлашиб кетганимни энди-энди қалбан ҳис этиб, ўзимдан-ўзим нафратланаман. Бунга сабаб, мактабда ўқиб юрган пайтимда С. исмли йигит менга севги изҳор қилганида рад этгандим. Лекин унинг нимасидир бошқа йигитларга ўхшамасди. У Самарқандга ўқишга кетганди. Ора-сира мени йўқлаб келар, таътилга чиққанимизда қишлоқда тасодифан учрашиб қолардик. Ўша йигит яқинда мени суриштириб келди-ю, шунча қилиб юрган ифлосгарчиликдан кўзим чарақлаб очилиб кетгандай бўлди. У билан боғда айландик. Мени ҳамон севишини айтди. Мен эса ўтмишимдан пушаймон бўлиб, унга нима деб жавоб қайтаришни билмадим.

Кетиш олдидан: "Ўйлаб кўр, мен сенга ҳеч ким беролмайдиган бахт ҳадя этаман, уйлансам ҳам ёлғиз сенга уйланаман, жавобингни хат орқали ёзиб юбор", - деб ўтиниб сўради. Мен рози бўлдим. Шундан бери ўз ёғимда ўзим ёнаман. У менга бахт ҳадя этмоқчи. Мен-чи? Номуси топталган бахти қаро қиз қандай қилиб уни алдай? Тиббиёт йўли билан ўзимни оқлаб олишим мумкин. Виждонимни қайси йўл билан оқлайман? "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", дейишади. Мен ҳам бу таъқибдан холи эмаслигимни ўйласам...

Қўнғироқ қилганим билан ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Мен энди пешонамда борини кўраман. Ўзим тушган чоҳга бошқа тенгдош дугоналарим тушмаслиги учун бу гапларни айтдим. Қизларга айтар гапим шундай: "Азиз дугонажонлар, йигитларнинг ширин сўзлари-ю, хушомадига учманг. Улар сизни алдайди. Муҳаббат бошқа-ю, ҳою-ҳавас бошқа-бошқа нарса экан. Сизни севган йигит ҳеч қачон сизга тўшакни таклиф қилмайди. Агар шундай ҳол юз бериш хавфи туғилса, ўша йигитнинг юзига ҳеч иккиланмай тупиринг. Афсуски, шу хулосам бир йил олдин хаёлимга келганида бунчалик изтиробга тушмаган ва мен ҳам ҳамма қизлар орзу қиладиган чимилдиқ ҳақида ўйлаган бўлардим. Мен адашдим, сиз адашманг".

***Ўз айбига иқрор бўлиб турган бу жабрдийда қизга нима ҳам дердим? У ишқ-муҳаббат борасида ўзига керакли хулосани чиқариб олибди. Унинг тақдири сизда ҳам такрорланмаслигини хоҳлардим, азиз сингилжонлар.***

**НОДИРА**

*Қўнғироқларингиз...*

# УЗАТИЛГАН ҚИЗ БЕГОНАМИ?

- Исмим Муроджон. Май ойининг бошларида қизимни узатиб, кўнглим қанчалар қувончга тўлганди. Аммо, шундан буён қизимни бор-йўғи бир мартагина кўрибман... Ўтган куни қизалоғим уйидагиларига билдирмасдан бировга келиб кетганди. Қайнонаси билиб қолиб, роса жанжал қилибди,- гўшакдан уҳ тортиб гап бошлади у.

**- Нега?**

- Мени жуда соғиниб, кўргиси келибди. Чаллардан сўнг бирор марта ҳам келмаганди. Ахир отасини кўришга ҳам кела олмайдими? Онаси анча йиллар олдин вафот этиб, қизим билан ўғлимни ўзим ўстирдим. Иккисига ҳам ота, ҳам она бўлдим... Қизим онасиз вояга етган бўлса ҳам жуда ораста, пазанда, меҳрибон қиз бўлди. Билмаган овқатларини эса ўзим ўргатдим. Қизим институтда аъло баҳоларга ўқиди. Уй-рўзғор ишларини ҳам бекаму кўст бажарарди. Мен чалғиб кетдим, сизларга буларни айтмоқчи эмасдим, лекин бошидан гапиришим керак эди, шекилли?

**- Хўп, давом этинг-чи...**

- Оллоҳдан ўзимга яхши, яқин жойда яшайдиган, ройишли куёв ато этишини сўрардим. Ният холис бўлса етар экансиз. Куёвим жуда яхши. Қудаларим ҳам ёмон одамлар эмас, ҳар иккиси ҳам катта лавозимларда ишлашади. Мен улар билан тушунган, зиёли инсонлар бўлишгани учун қуда бўлгандим. Бироқ!..

**- Орангиздаги муаммога қизингиз сабабми?**

- Тўғри, муаммонинг қизимга тегишли жойи ҳам бор. Лекин унинг сира ҳам айби йўқ. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг. Қадрдон жойингиздан юлиб, олиб кетишса-ю, кейин бу жойга қадам босмасангиз... Жуда қаттиқ таъсир қилар экан. Ҳеч бўлмаса то янги хонадонга кўникиб кетгунча бир-икки марта келса нима қилибди? Бечора қизимнинг айби нима эканлигини сира тушуна олмаяпман.

**- Қизингизни сизникига тез-тез юборишмагани учун қудаларингиздан хафамисиз?**



- Хафа эмасман. Қизим энди уларнинг хасми. Ўзим ҳам қайнотаман. Ўғлим янги уйланган пайтда келинимнинг кўзларида соғинчни сезсам, дарҳол ўғлим иккисини қуданикига юборардим. Кўп ўтмай кўзлари яшнаб кириб келишарди.

Ҳар ҳолда қиз бола отага жуда меҳрибон бўларкан. Қизим уйдалигида сал йўталсам ҳам дарров ўраб, чирмаб ташларди. Аччиққина, оғзимга ёқадиган таомларни тайёрлаб берарди. Келин қанчалик меҳрибон бўлмасин, барибир киши истиҳола қилар экан-да... Бирров тобим қочган куни қизимни жуда-жуда кўргим, қўлидан бир пиёла чой ичгим келди. Қудаларимга қўнғироқ қилгандим қизимни юборишмади. Нима эмиш: "Қиз бола ҳадеб отасиникига бораверса келин бўлиб тушган уйидан кўнгли совуб кетармиш. Битта-иккита фарзанд кўрганидан сўнг борса бошқа гап. Янги келиннинг ҳадеб уйига бориши уят", - дейишди. Тавба! Ахир қиз болани чақалоқлигидан ўстирсангиз, ўқитиб маълумот берсангиз, бунинг устига рўзғор юмушларини ўргатсангиз,тайёр қилиб ўзга хонадонга узатсангизу риштани узсангиз... Шу инсофданми? Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини, қўшгани билан тиниб кетишини истайди-ку, шундай эмасми?

***Гўшакдаги суҳбатимиз узилди.***

***Муроджон аканинг гапларида жон бор. Чунки бундай муаммолар кўп хонадонларда учрайди. Бу воқеада эса қудалар ўзаро келишишлари, бир-бирларига гина сақламаганлари маъқул. Қизнинг тинчиб кетиши учун шундай қилиш керак. Акс ҳолда турмуши бузилиб кетиши ҳеч гап эмас.***

***Бу бизнинг фикримиз, сиз нима дейсиз азиз мухлис?***

**ГУЛБАШАКАР**

# ДИЛ ПОК БЎЛСА...

**“Жар ёқасида”-15-сон**

**ЭСЛАТМА: Эрим Россияга ишга кетиб, қарзга ботдик. Бир танишим аҳволимни кўриб, пулдор эркак билан таништирмоқчи бўлди. Мен уйсиз қолишдан қўрқиб, кўндим. Шу ишга жазм этган тунда амаким қўйни-қўнжини тўлдириб, хабар олгани келиб қолди. Жар ёқасига бордиму, вақтида қайтдим.**

**Г. Асронова**




Ҳурматли қизим, Зулфия! Сиз ҳам ҳамма қизлар сингари яхши орзу-умидлар билан яшагансиз. Соф-покиза муҳаббатни орзу қилгансиз. Мансур билан учрашиб, турмуш қуриб, ҳаёт зарбасига учрабсиз. Худойим сизларга ўғил ва қиз фарзандлар берган. Лекин ношуд эрингиз сизга хиёнат қилган. Оила қадрини билмай, сизни яна алдаб, тақинчоқларни сотириб, қариндош-уруғлардан пул қарз олиб, Россияга жўнабди. У яна: «Пул юбор, қарз ол!" - деган мактуб ёзиб, сиз содда аёлни кўп миқдорда фоиз эвазига қарз олишга мажбур этибди. Сиз эса ўғлингизни даволашга ҳам пул тополмагансиз. Лекин шафқатсиз, бераҳм эрингиз бир тийин ҳам пул юбормабди. Бошингизга оғир кун тушиб, руҳан ва моддий эзилиб, қарз олган кишиларингиз сизни қарз тўлашга қистаб кела бошлаган. Ана шунда Роза деган қўшнингиз сизга ёмон маслаҳат бериб, сизни йўлдан адаштирмоқчи бўлган. Сиз шу ёмон йўлга эшик очиб чиқмоқчи бўлганингизда, она меҳри устун келиб, ухлаб ётган ўғлингизни бориб ўпганда, оғир аҳволда иссиғи ошиб ётгани сизга маълум бўлибди. Сиз худойимдан қўрқиб, жар ёқасидан қайтгансиз. Аёл кишининг номуси ҳамма нарсадан ҳам юқори эканини тушуниб, тавба қилиб, фарзандларингизни бағрингизга босиб: "Кўчада қолсам-да, оч қолсам-да, номусимни сотмайман!" - деб Худога нола қилиб турганингизда, қишлоқдан амакингиз келиб, сизга мадад бериб, қарзлардан қутқазиб, руҳингизни кўтарибди. Зулфия қизим! Дили пок аёллар доим худонинг паноҳида бўладилар. Шу ўринда мен Юсуф Тавослийнинг бир ҳикоясини ёзмоққа қарор қилдим.

Одамлар қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда Хузайл қабиласидан Ҳамала исмли бир ёш йигит туясига миниб саҳроларда кетар экан, узоқда қўйлар сурувини кўради. Сурувга яқинлашганида, қўйларни ўтлатиб юрган чўпон - аёл киши эканини кўради. Яна ҳам яқинлашганида чўпон аёл Рашид исмли одамнинг қизи эканлигини танийди. Йигит қалбида бир бузуқлик пайдо бўлди. Туясини чўктириб, тизгинидан боғлаб қўяди. Сурувни ўтлатиб юрган ёлғиз қизга: "Биз қариндошмиз, кел қўйларни бирга ўтлатайлик. Оқшомда уйга бирга кетамиз, мен сенга ҳамроҳ бўламан", - дейди. Қиз эса: "Ҳозир бу ердан кет, тезда даф бўл", - дейди. Бузуқ ниятли йигит қизга яқинлаша бошлайди. "Менга яқинлашма, келсанг ўлдираман", - деб ҳайқиради қиз. Шунга қарамай, йигит яқинлашаверди. Қиз ўзини ҳимоя қилишга қарор қилади. Йигитни бир зумда ерга йиқитди ва ҳайқирди: "Тезда кет! Ёки сени мажақлаб ташлайман". Йигит қўрқиб: "Ҳозир кетаман, мени кечир", - дея ёлворади. Қиз уни кечиради. Йигит ўрнидан турди, куч тўплаб, яна қизга ташланди. Қиз уни ҳамла билан яна ерга улоқтирди. Қўлига тош олиб: "Номуссиз, бу ердан кетасанми? Шу тош билан сени урайми?" - деб бақиради. Йигит яна ёлворади: "Кечир, Асила, мен ҳозир кетаман (қизнинг исми Асила эди) деди. Йигит ўрнидан турди-да, яна қизга ёпишди. Қиз номусини сақлаш учун бор кучини йиғиб, йигитни ерга йиқитди. Кўкрагига ўтириб олиб, бўйнидан бўғди. Қиз жаҳл устида қўлидаги тош билан кўкрагига урди, йигит хушидан кетиб қолди. Қиз: "Аллоҳим, сенга беҳад шукрлар қиламан. Номусимни бу аҳлоқсиз одамдан қутқардинг", деб ўрнидан туриб, кийимини тузатди. Қиз қўйларни ҳайдаб уйига кетди. Бир қанча вақтдан кейин йўловчилар шу ердан ўтиб қолибдилар. Йигит уларнинг қабиласидан экан "Сенга нима бўлди?" - деб сўрашибди. Йигит, "Туям мени устидан отиб юборди, йиқилиб яраландим", - деди. Улар: "Таажжуб, сен туянгни бу ерга боғлаб қўйибсан-ку, сени қандай йиқитишди? Қара, бу ерда тош ётибди, у қонга булғанган. Сенинг эса бошинг ёрилган, кўксинг жароҳатланган",- дедилар. Йигит қизариб, бўзариб кетди. Нима дейишини билмай: "Нега мени сўроққа тутасизлар? Мен нима деган бўлсам, ўшандай бўлди",- деди. Аҳлоқсиз йигитни туяга миндириб уйига олиб боришибди. Бир кеча ўтгач, йигитнинг аҳволи ёмонлашибди. "Аҳволинг оғирлашди, ўлиб кетасан, сени бу ҳолга туширган одамнинг кимлигини айт, ундан ўч оламиз", - дейишди унга. "Рашид... Асила...", - деб йигит жон берди. Хузайл қабиласининг оқсоқоллари тўпланиб, пайғамбаримиз олдига бордилар. - "Ё, Расулуллоҳ! Ўғлимиз хунини Рашиддан олишни истаймиз. Ўғлимиз ўлди... Энди қасос олишимиз керак",- дейишди. Пайғамбаримиз қизнинг отаси Рашидни чақиртирдилар. Рашид билан яна бир одам бирга келишди. Рашид бўлган воқеани эшитгач: "Менинг бу воқеадан хабарим йўқ", - деди. Даъвогарлар, "Рашидни ўзи эмас, унинг қизи Асила қотилдир, Ҳамалани яралаган Рашиднинг қизидир", - дея қизни чақириб келишди. Қиз келганидан сўнг пайғамбаримиз унга: «Асила, Хузайл қабиласидагилар сени Ҳамалани ўлдирган,-деб айбламоқда, бунга нима дейсан?"- дедилар. Асила оқила қиз эди. Воқеани батафсил пайғамбаримизга айтиб берди. "Ҳеч бир аёл эркакни енгиб ўлдира оладими? Ё, Расулуллоҳ, ҳодиса айнан бундай бўлди, у уч марта ёпишди. Ёнимга келмаслигини, тўғри йўлига кетишини сўрадим, у қулоқ солмади. Ё, Расулуллоҳ! Мен ўзимни ҳимоя қилдим. Номусимни сақламоқ учун унинг бошини яралашга мажбур бўлдим",- деди. Йигитнинг қабиладошлари: "Бўлган ишни қиз ўз оғзи билан эътироф этди, ўғлимизнинг хунини даъво қиламиз", дедилар. Севикли пайғамбаримиз бу одамларга эътироз билдириб: "Бўлган ишни мулоҳаза этайлик. Қиз ўз номусини ҳимоя қилган. Ўғлингиз ўзининг бошига етган. Ўзининг қотили бўлиб қолган. Баъзан ўлдирган, баъзан ўлган қотилдир. Инсон номус учун яшайди, ахир! Қиз шарафли бир ҳаракат қилган. Ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган, у жаҳаннамга лойиқдир",- дедилар. Шундан кейин қизнинг отаси ақлли ва номусли қизнинг отаси бўлганидан ғурурланиб: "Аллоҳга шукрлар",- дея даврадан бошини тик тутиб чиқиб кетибди. Ўлган аҳлоқсиз йигитнинг ақраболари бошларини қуйи солиб, у ердан кетдилар. Мен ушбуни номуснинг қадрини билмаган баъзи ёшларимизга ибрат бўлсин, деган фикрда ёздим.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,**
**Тошкент шаҳри.**

# ТОЗАЛИККА БАРЧА МАСЪУЛ

**“Сувнинг уволи тутади”- 25 сон.**

**ЭСЛАТМА: Ўлкамизнинг айрим канал ва сув ҳавзаларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ифлосликларни кўриб, бонг уриш фурсати етганини англайсиз. Дарё, сувларимизни ифлослантириш, таҳқирлаш жиноят эмасми?**

**Муаллиф: Саломат Маматқулова.**

Илгарилари кичик ариқча юзлаб хонадонлардан оқиб ўтар ва уни ҳеч ким ифлос қилмасди. Қўл ювиш керак бўлса, ариқдан сув олиб, ундан узоқроқда ювилар эди.

- Яқинда қайнотамникига меҳмонга бордим, - дейди қашқадарёлик қўшни аёл. - Далада иш қизғин бўлгани сабаб, мен ҳам уларга ёрдамлашдим. Чопиқ қилиб, чанқадик.

- Бор, ариқдан муздек сув обкел, - деди кенжа қайним қайнсинглимга. Муздек сувдан бир қултум ичдим...

Дала бошига чиққанда кўзим ўқариқда мириқиб ювинаётган ўспиринга тушди. Йигит шарақлатиб сувга бурнини қоқди, юз-қўлини тозалаб ювган бўлди. Шериклари бу ҳолатни ё кўрди, ё кўрса-да эътибор қилмади.

Мен эса шоша-пиша орқароқда қолиб, энди етиб келган қайнсинглимдан: - "Сувни қаердан обердингиз?" - дея сўрадим.

- Ана, сув, қанча ичсангиз,- деди у бепарволик билан ўқариқни кўрсатиб. Мен эса кўнглим озиб, томоғимга алланарса тиқилганини аниқ ҳис қилиб турардим.

"Ҳа, энди қишлоқчилик-да",- дерсиз. Аммо нондек азиз сувда нима гуноҳ? У бизни поклаганига ҳурматимиз шуми?

"Ҳозирги вақтда шаҳардаги баъзи ариқларнинг аҳволига бир назар ташланг: ахлат тўкилганини, чиқинди ифлос сувлар оқизиб қўйилганини кўрасиз. Кўпинча кўчаларда турли хил мой, ифлос қўшилган оқова сувлари ҳам ариқларга тушиб, сасиб ётади. Кўпгина кўп қаватли уйларнинг йўлакларига кирсангиз, оёқ босишга жой тополмай, бурнингизни бекитасиз.

«Яхшидан боғ қолар»,-дейишади. Қадимда ўғил фарзанд туғилганда 10 та терак экиш одати бўлган. Онамнинг айтишларича, ўғил балоғатга етгунча бу тераклар ҳам ўсиб, уй-жой қуриш учун яроқли бўлиб қолар экан. Дарахт экиш удуми ҳалиям бор. Ҳар йили баҳорда республикамиз бўйлаб "кўчат экиб, боғ ярат" ҳафталиги уюштирилиши, одамларнинг бу тадбирга оммавий жалб этилиши қувончли.

Тоза, озода юрган одамнинг дили пок бўлади, уйига барака киради.

**Фарида ТОҲИРОВА**

# СИЗГА БАХТ ТИЛАЙМАН!

***«Бахт остонасидан қайтдим...» - 13-сон***

**ЭСЛАТМА: Севганимга турмушга чиқаётгандим. Аммо, куёвнинг эшигига етганимда ёлланган ҳайдовчи мени олиб қочди. Бу иш мен совчиларини қайтарган барзангининг иши экан. Бахтим кул бўлди. Разил инсон билан яшаб, фарзанд кўрмадим. Ажрашдик. Ёлғизман бирор бола асраб олсаммикан?**

**Муаллиф: Гулбашакар.**



Китобда ўқиган эдим. Бир донишманд савоб иш қилибди ва шу савоб ёмонликка айланиб кетмаслиги учун ёмонликнинг юз эшигини ёпибди. Аммо юз биринчи эшик очилиб, ҳасад кириб келибди. Сизлар ҳам билмагансизлар. Билганларингизда, ўша оқ машинага чиқмаган бўлардингиз. Сизларни алдаб бахтсиз қилганларни худонинг ўзи жазолабди. Қурбоналига эса Оллоҳнинг ўзи шифо берсин.

Сизга маслаҳатим ҳаётда суянчиқ, сизга сирдош бўладиган, сизни тушунадиган, ҳаёт қийинчиликларини енгишга ёрдам берадиган дардкаш бир инсонга турмушга чиқинг. Оллоҳим фарзанд берса, нур устига нур. Агар фарзанд бермаса, бола асраб олиб, биргаликда катта қилинглар. Ҳали ташвишлар орқада қолиб кетиб, бу қийинчиликлар унутилади. Ёлғиз она бўлиш, фарзандни ёлғиз катта қилиш сиз учун ҳам, бола учун ҳам оғир бўлади. Болага ҳам ота, ҳам она керак. Сизга бахт тилайман.

**Гўзал НОРОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Кармана тумани.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ўғлимиз ИКРОМ!
Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.
Ота-онанг ва синглинг Хуршида, Қорақалпоғистон Республикаси.

Онажонимиз МОҲИРА опа!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, биз фарзандларингиз бахтига доим соғ-омон юришингизни тилаймиз.
Фарзандларингиз.



Ҳурматли ТУРДИ ака, БЕРДИ ака ва АЗАМАТЖОН!
Таваллуд айёмингиз билан қутлайман. Оилавий бахт, соғлиқ тилайман.
Ота-онанг, Самарқанд вилояти

Ҳурматли акамиз САБИР!
60 ёшга тўлишингиз муносабати билан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, соғлик тилаймиз. Ўғил-қизларингиз ва набираларингизнинг ардоғида яшаб юринг.
Ешмуратовлар оиласи, Хожайли тумани.



Ҳурматли устоз ШОХИДА опа!
Туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ. умр, бахт-саодат, ишларингизда омад тилайман.
Шогирдингиз Дилбар

Ёқимтой НУРХОН!
Туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилаймиз.
Дугоналарингиз



# ҲАМИША ЭЛ АРДОҒИДА БЎЛИНГ!

**Қутлов**

Хоразм вилоятининг Хонқа туманида Рахимбой Рўзметовни танимайдиган инсон бўлмаса керак. Халқ таълими фахрийси, меҳрибон устоз, эл ардоғидаги мураббий, самимий ва бағрикенг бу инсон 70 ёшни қаршилади. Устозимиз салкам 40 йил халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатди. Дастлаб ўқитувчи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, мактаб директори, услубиётчи ва туман услубиёт уйи мудири лавозимларида хизмат қилди. Халқ таълими соҳасида хизмат қила туриб, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳозирги вақтда унинг шогирдлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилиб келишмоқда. Устоз мураббий қилган хизматлари эвазига муносиб тақдирланди. Олий тоифали педагог, Ўзбекситон Республикаси халқ таълими аълочиси ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган Рахимбой Рўзметовни табаррук ёши билан самимий қутлаймиз. Унга соғ-саломатлик, узоқ умр, ҳамиша эл назарида бўлиб, фарзандлар ва набиралар роҳатини кўриб юришини тилаймиз.

**Дўст ва шогирдлари номидан Шарифбой Эшчанов ва Ўктам Дўсчанов, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Сарапиён қишлоғи.**

# УЗУК

**туш таъбирномаси**

- Бир куни опамни туш кўрибман,- хотирлайди онам. - Икковимиз ариқ бўйида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бир пайт опам қўлидаги узукни ўйнаб ўтириб, бехосдан сувга тушириб юборди. Қанча изласак ҳам, тополмабмиз.

"Узукни топ, узукни", - дея опам ҳадеб сув тагига қўл тиқиб қидирармиш.

- Узук йўқолди, опа, - дебман.

- Топ-а, синглим, топ, - инграб юборди опам.

Уйғонсам, туш. "Бу не ҳол", дея ўйга ботиб ўтирганимда раҳматли опамнинг ўғли Қўчқор вафот этгани ҳақида хабар келди.

- Ҳа, опажоним-а, мен жигарига бекорга узукни топ, - деб зорланмаган экан. Узукжон экан. Боласининг умри поёнига етишини истамаган опам шунчалар менга зорланган экан-да тушимда, - оҳиста сўзланади онам.

**Фарида ТОҲИРОВА**

## САБОҚЛАРИМ-ХУЛОСАЛАРИМ

- Чақалоқ товушининг янгроқ бўлиши катта бўлганда овозини баралла қўйиб гапиришидан дарак беради.
- Дўстлик - одамнинг инсоний сифатларини белгиловчи мезон.
- Илҳом сиқиб келганда ёзилган асар эсда қоладиган асар бўлади
- Аёл табиатан эркалиги, нозлиги, гўзаллиги билан латофатли оташли бўлади. Вақти келганда эса шу малоҳати билан эркак зотини ўтда ёндиради ва ўзи ҳам шу ўтда куяди.

**Азимжон ҚОСИМОВ**

**АБДУРАҲМОН** хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

## Ўзбекистон Болалар жамғармаси 4 ой муддатга ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант иш ўринларига конкурс эълон қилади:

**1.** Лойиҳа координатори
**2.** Маиший хизматчи
**3.** Маъмурият ассиссенти
**4.** Молиявий ассиссент
**5.** Болалар шифокори
**6.** Ҳамшира
**7.** Ҳуқуқшунос
**8.** Тарбиячи
**9.** Психолог
**10.** Ошпаз
**11.** Ошпаз ассиссенти
**12.** Компьютер мутахассиси
**13.** Дефектолог
**14.** Тикувчилик ва бисер тикиш бўйича уста
**15.** Қамиш ва сомондан буюм ясаш санъати бўйича уста
**16.** Пойафзал таъмирлаш бўйича уста
**17.** Сартарош
**18.** Қандолатчи
**19.** Драма тўгараги раҳбари
**20.** Рақс тўгараги раҳбари
**21.** Спорт тўгараги раҳбари

**Аризалар эълон чоп этилгандан сўнг 10 кун ичида қабул қилинади.**

**Талаб қиладиган ҳужжатлар:**
1.Тавсиянома;
2. Маълумоти тўғрисидаги дипломдан нусха;
3. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
4. Паспортдан нусха;
5. 6х9 ҳажмдаги сурат;
6. Соғлиғи тўғрисидаги 086 ф. мед. справка.

Маълумот учун телефонлар: **173-66-73; 173-08-59; 267-67-84.**
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, ШАРҚ ТОНГИ кўчаси 23 уй.
**Мўлжал:** Халқлар дўстлиги проспекти, "Узтелеком".

**Ўзбекистон Болалар жамғармаси**

# ДАРАХТНИ ҲАМ ҚАРҒАМАНГ




**ҒАРОЙИБ**

Баҳор келди. Ҳовлимиздаги гилос чаман бўлиб гуллади. Ёзда эса чиройли меваси билан ҳовлининг кўркига кўрк қўшди. Шу йил мевалар бозорда чаққон бўлди. Шунинг учунми менга: "Гилосни териб беринг, сотсак анчайин пул бўлади", - дея уйдагилар қўйишмади. Аммо негадир ҳеч гилосга чиққим келмасди, оёғим тортмасди. Барибир бир кун ишдан келиб, бир оз дам олгач, терсам тера қолай, деб зўр-базўр дарахтга чиқдим. Аввалига бир-иккита тиккага кетган шохларни арралаб ташламоқчи бўлдим.

Шохларнинг бирини арралаб бўлгач, секин-аста дарахтдан тушмоқчи бўлдим. Аммо оёғим тойиб кетди ва белим билан ерга тушдим. Кўзимдан ўт чиқиб кетди. Яхшиям гулларни янгигина суғорган эдим. Юмшоқ, намчил ариққа тушдим. Бўлмасам, билмадим нима бўларди? Бир суткадан ортиқ қимирлай олмай ётгач, аранг ҳовлига чиқдим. Гилосни ёнига келиб: "Менга азоб бердинг, сен ҳам қуригин", дея қарғадим. Икки кун ичида гилоснинг барглари сарғайиб, меваси тўкилиб кетди. Гилос қуриди.

Шунда мен ўйланиб қолдим. Назаримда менга хизмат қилаётган дарахт, менинг азобимдан "қийналиб" қарғишимга чидай олмай ранги сарғайиб, "жони узилди".

Ҳа, азизлар ҳаётнинг синовлари кўп. Баъзида бардош беролмай оғзимизга нолойиқ сўзни оламиз. Йўқ, ундай қилманг. Ҳатто дарахтлар ҳам қарғишга чидай олмайди.

**Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ушбу ҳафтада кайфиятингиз аъло даражада бўлади. Орзуларингиз амалга ошиб, ўзингиз истаган қимматбаҳо буюмни сотиб оласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ҳаддан ташқари қизиққонлигингиз барча муносабатларингизда акс этади. Ҳафта давомида янги режалар тузасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Тушкун ҳолатда бўлсангиз ҳам ишларингиз ўнгидан келади. Бироқ, ҳар қандай вазиятга тайёр туришингиз керак.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ҳужжатларингиздаги пала-партишлик оқибатида сафарингиз кейинроққа қолдирилади. Таклифларга дарҳол розилик бермаганингиз маъқул.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Таваккал иш тутмасликка ҳаракат қилинг. Уй-рўзғорингиз хавфсизлигини таъминлашингиз керак бўлади.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Шахсий масалаларга кўп ўралашиб қолманг. Акс ҳолда яқин кишингиз билан тортишиб қолмасликка ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Қаттиқ меҳнатдан толиқмаслик учун ҳар бир иш кунингиздан унумли фойдаланинг. Соғлиғингиз ҳақида ҳам ўйланг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Янги танишлар орттириш омадсизлик келтиради. Яхшиси ўз фарзандларингизга кўпроқ вақт ажратишингиз лозим.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Оилангизда кутилмаган, кўнгилли воқеалар юз беради. Шу боис барча муаммоларни ортга ташлаб, хурсандчилик қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Машинани эҳтиёт бўлиб бошқаринг. Давраларда ортиқча гапларни айтиб юбормасликка ҳаракат қилинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Моддий томондан бироз танглик сезилади. Шу боис маблағингизни тежаб-тергаб ишлатинг.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Кайфиятингизнинг тез-тез ўзгариб туриши ишингизга ҳалал бермаслиги керак. Ўйлаб иш тутишингизга тўғри келади.

Қишлоқ ҳангомалари



# ГИЛАМ

Тепа қишлоқлик собиқ чўпон Бўри буванинг кампири қазо қилиб кетган бўлиб, кенжа ўғли Абдушукурнинг қарамоғида яшарди. Бир куни пешинда Бўри чўпон келинига дебди:

- Мен ҳозир Ўта қишлоғидаги биродаримникига кетаяпман. Бу кеча ётиб қоламан. Келин, сен эрталаб салқинда ҳужрамни бир йиғиштириб қўйгин. Анави сандиқнинг устида йиғилиб турган янги гиламниям чиқариб, дорга осиб, шамоллатгин, куя еб кетмасин тағин.

Бўри чўпон шу гапларни келинига тайинлагач, кўк ҳангисини миниб, Ўта қишлоғидаги биродариникига жўнаб кетибди. Келини эртасига азонда туриб, сандиқ устидаги янги жун гиламни чиқариб, сим дорга осибди. Сўнг ҳужрани йиғиштириб, супурибди. Қайнотасининг ҳужрасидаги юмушларни саранжомлагач, ўз уйига ўтибди. Тушга яқин қўлида узун таёқ билан қишлоқма-қишлоқ изғиб юрадиган Нозим ўғри Бўри чўпоннинг ҳужраси ёнида пайдо бўлиб, овоз берибди:

- Ҳой, бу уйда ким бор?

Бўри чўпоннинг келини эшикдан бошини чиқариб сўрабди:

- Ким керак сизга?

- Менга ҳеч ким керак эмас, бир коса сув керак. Жуда чанқаб кетдим. Синглим, бемалол бўлса, бир коса сув олиб чиқинг.

Келин сув олиб чиқиш учун ошхонага ўтиши билан Нозим ўғри дордаги гиламни йиғиштириб, елкасига ташлабди-ю, жуфтакни ростлабди. Келин косада сув олиб чиқса, ҳеч ким йўқ.

- Вой, тавба, бу одам бир зумда қаёққа ғойиб бўлди экан? - ўзича сўзланиб, у ёқ-бу ёққа қарабди келин. - Кўринишиям ажабтовур эдиёв ўзи. Ажинами, арвоҳми, худо билади. Одам бўлса, дарров ер ютиб юбормасди-ку. Ишқилиб, менга зиён бериб кетмаган бўлсин-да. Ҳозироқ муллага бориб, ўқитиб келсаммикан-а? Мулла Фармон бува уйидамикан?.. Ҳаҳ, сув ичмай, заҳаргинани ичгур! Қайси гўрданам келди, бу оч арвоҳ?

Келин косадаги сувни шашт билан сепиб юборибди-да, ичкарига кириб кетибди. Туш чоғи қишлоқларда осойишталик ҳукмрон бўлади. Нозим ўғри ўзини панага уриб, чўпонникидан сал узоқлашгач, хотиржам юриб, катта йўлга чиқибди. Қараса, чўпоннинг ўғли Абдушукур келаётганмиш, отини йўрттириб. Яқин келгач, Нозимга салом бериб, сўрабди:

- Ҳа, Нозим ака, гилам қўлтиқлаб бундай юрибсиз, сотиб олдингизми?

Нозим унинг саломига алик олгач, жавоб берибди:

- Ҳа, Бўрон калдан сотиб олдим. Бирон чой пули қоладими деган умидда Кўкдала бозорига олиб кетаяпман. Ўзингга йўл бўлсин?

- Мен Чалик овулига худойига кетаяпман. Гиламни менга узатинг-да, ўзингиз ҳам орқамга мингашинг. Жарнинг тўғрисига тушириб кетаман. Ҳарна, йўлингиз қисқаради.

Нозим жар тўғрисида отдан тушиб, яна пиёда йўлини давом эттирибди. Туш чоғи ёзнинг иссиғи элтиб, лоҳасланган қўйи эшак устида уйқу билан олишиб, гоҳ мудраб, гоҳ кўзларини ярим очиб келаётган Бўри чўпонга Уч гумбаз сойида Нозим ўғри рўпара бўлибди:

- Ассалому алайкум, чўпон бува.

- Ҳа-а, сенмисан Нозим, - деб эшагини юришдан тўхтатган Бўри чўпон саломга алик олгач, уйқусини қочириш учун тегишибди. -«Калнинг анойиси кўприкнинг остида туриб эшак ҳуркитади», деганлари рост экан-а. Қоқ туш маҳалида бийдай чўлда олдимдан чиқиб, уйқумни қочиришингни қара-я. Барибир, каллигингга борасан-да. Хўш, ўзингга йўл бўлсин? Қаердан келаяпсан, қаёққа бораяпсан? Қишлоғингда нима гаплар? Ҳар қадаминг тинчми, ҳар қалай? Бу, Бўрон кал ошнангникига келмай қўйдингми дейман, тўйидаям кўринмадинг?

- Кўкдалага кетаяпман. Эртага Кўкдала бозорида манави гиламни сотиб, пулига биронта эшак олмасам, пиёда юриб бўлмаяпти. Эшагим ўлиб, қорапиёда бўлиб қолдим. Кўкдалага бориб ётмасам, эртага пиёда бозорга етолмайман, деб бугун йўлга чиқиб келаяпман-да.

- Ҳар қалай, гиламни ўғирлаганинг йўқми, ўзингникими, уйингдан олиб чиқдингми? - талмовсираб тергади Бўри чўпон. - Юришинг бежороқ кўринади. Гиламни бирон халтагаям солмабсан. Ё, бировникидан ўмардингми?

- Бўрининг есаям, емасаям оғзи қон қилманг, чўпон бува. Ўзимники. Хотинимнинг ўзи тўқиган. Уйда бўш халтаям йўқ экан, қўлтиқлаб жўнайвердим. Нимадан қўрқаман? «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич»,- дейишган. Энди ўғирлик қилмасликка аҳд қилганман, ташладим бу касбни. Эртага эшак олсам, энди бошқа тирикчилик қилмоқчиман.

- Эчки билан ўғрининг қасамига ишониш қийин-у янаям, ўзинг биласан. Қачонлардир ташлашинг керак эди, бу ўғрилик касбингни. Қанча йил ўғрилик қилдинг, косанг оқармади, биринг икки бўлмади, хулоса чиқармадинг. Қанча одамларнинг молини, пулини, нарсаларини ўғирлаб, зор қақшатдинг, қарғишларини олдинг. Норизо нарса, бировнинг ҳақи бировга юқмаслигини ўйламадинг. Ҳалиям бўлса, ўғриликдан воз кечиб, яхши қилибсан, худо инсоф бергани рост бўлсин.

- Ўғрилик қилганимдаям, сиздан биронта қўзиям ўғирламадим-ку.

- Менинг дамимга яқин келолмадинг-да.

- Менга қаранг, чўпон бува, бошқа гапларни қўйинг-да, шу гиламни ўзингиз сотиб олинг. Пиёда кўтаришга ҳеч ҳолим бўлмаяпти. Кечгача Кўкдалага етиб боришимгаям кўзим етмаяпти.

- Мен энди гиламни бошимга ураманми? Уйдаги гиламларимнинг ҳаммасини болаларга бўлиб бердим. Тобутимга солиш учун кампирим ўз қўли билан тўқиган гиламлардан битта янги гилам олиб қолдим. Шуни асраб, йиғиб юрибман, мушук боласини кўтаргандек қилиб.

- Болаларингиз, невараларингиз кўп, биронтасига совға қилиб берарсиз. Майли, сизга арзонроқ қилиб бераман. Битта эшакка етадиган пул берсангиз бўлди, розиман.

- Қани, гиламингни ерга ёз-чи, эни, бўйини кўрай-чи.

Нозим елкасидаги гиламни ерга ёзибди. Бўри чўпон эшакдан тушиб, гиламни обдон кўздан кечириб чиқибди ва дебди:

- Менга қара, Нозим, агар кўнсанг, бир иш қиламиз.

- Нима иш қиламиз?

- Гилам билан эшакни бошма-бош алмашамиз. Гиламинг меники, эшагим сеники. Тўғриси, мен ҳам эшагимни сотиш ниятида эдим. Уйда яна биттаси бор. Энди менга икки эшак нимага керак? Униси юввошроқ, ўшани минаман.

- Майли, мен розиман. Фақат эшагингизнинг устига ўн сўм қўшиб берасиз.

- Беш сўм бераман. Эгар, жабдуқ, занжириям сеники.

- Бор, барака. Олинг, гиламни кўтаринг. Келинг, елкангизга қўйиб берай. Уйингиз яқин, бир дам билан етиб оласиз. Мен барибир Кўкдалага боришим керак.

Шундан сўнг Нозим ўғри Бўри чўпоннинг кўк ҳангисини миниб, ҳиргойи қилганича Кўкдала томонга, Бўри чўпон эса, ўзининг гиламини елкалаб, қишлоғи томонга йўлга равона бўлишди.

**Нормамат ТОҒА**

# БАХТ КАЛИТИ

*Насиҳат ўрнида*



**I. ЙИГИТЛАРГА**

Йўлда учраб қолган биронта қиз эътиборингизни тортди. У билан жудаям танишишни истайсиз. Шунда нима қилмоқ лозим? Дабдурустдан гап отиш керакми? Ўйлаб кўринг, сиз тарбия кўрган йигитсиз. Кўчада учраган қизга, борди-ю танишиб олган тақдирингизда ҳам, кўнгил берасизми? У қандай сулувки, биринчи учрашувдаёқ сиз билан апоқ-чапоқ бўлиб кетаверса? Албатта, сиз дарров танишиб олишга уринманг. Агар қиз нотаниш гўзалларга тегажоғлик қиладиган йигитларни ёқтирмаса, унинг назаридан қоласиз. Шунинг учун шошмаганингиз маъқул. Қизнинг қайси бекатда тушишини, манзилини зимдан билиб олинг. Сўнгра, биринчи қадамни қизнинг биронта дугонаси томон ташланг. У билан танишиб, ишонч-эътиборини қозонинг. Ана ўшандан кейингина кўнглингизга маъқул тушган дилдор билан танишиш имкони туғилади. Шунда ҳам унга кўнглингиз борлигини сездирманг. Унинг нималарга қизиқишини ўрганинг, танишлари ва атрофдагилар билан мулоқотда бўлинг. Давраси ҳам сизга маъқул бўлса, мақсад сари қадам ташланг. Зинҳор иккиланманг. Икки-уч бора учрашганингиздаёқ севиб қолганингизга ишонтира олмасангиз, уни ўзингизга боғлаб ололмаган бўласиз. Дадил бўлинг... Ношуд бўлманг, ҳар дақиқада узунроқ қўл, уддабурон йигит илиб кетиши эҳтимолини унутманг. Тарсакидан қўрқманг. Ширин шапалоқ сизнинг ишончингизни мустаҳкамлайди, холос.

* * *

Ҳарбий хизматни ўтаб, уйга қайтдингиз. Ота-онангиз сизни уйлантириб қўймоқчи. Лекин сиз кўнгил берган қушчалар учиб кетган. Юрак қурғур бўм-бўш. Хотира-ю хаёллар, ўқилавериб титилиб кетган мактублардан бошқа таскин йўқ. Падари бузрукворингиз ўғлимни уйлайман, деб овоза қилган. Келин топилмаган, тўйни эса тўхтатишнинг имкони йўқ. Сиз маҳалладаги, қишлоқдаги қизларни танимайсиз. Танишиш имкони ҳам йўқ.

Шубҳасизки, онангиз, қариндошлар елиб-югуриб келин қидиради. Уларнинг сизга ёмонликни раво кўрмаслиги аниқ. Бироқ бўлғуси келин билан сиз бирга яшашингиз керак. Сиз умршерик танлаётганингизни, бир оғиз розилигингиз билан олиб келинадиган сулув уйингиз чироғи, бўлғуси фарзандларингизнинг ҳам бахти ва келажаги эканлигини унутманг. Шул сабабдан ота-онангиз айтган қиз билан учрашинг. Хатти-ҳаракатларини кузатинг. Ҳар бир сўзи, кулгуси, атрофдагиларга муносабатидан ҳам унинг табиатини билиб олиш мумкин. Тушунчасини, фикрлаши, оқилалигини чамалаб кўринг. Айтайлик, учрашувлардан бирида оилавий жанжал ёки жумбоқ воқеани сўзлаб, ҳукм чиқаришни қизга ҳавола қилинг. Агар у бир томонни айбламасдан, мулоҳаза қилиб кўргач, ҳар икки томоннинг хатоларини айтса, кечиримли бўлиш кераклигини таъкидласа, оқила қизга учрабсиз. Албатта, булар ҳам мулоҳаза, маслаҳат. Илло, синчков нигоҳингиз вафодор ва суюкли ёр топишда сира адашмасин. Шул боис баъзи бир оқибатида туғилган мулоҳазаларни ҳам ҳукмингизга ҳавола қилишни лозим топдим.

(Давоми бор)

**Абдураҳмон ЖЎРА**

# ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ



*Ушбу шеърлар Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.*

**ОЗОД ВАТАН**

*Олислардан карвон келар, нор келар,*
*Хумо келар, лочин ила сор келар,*
*Гул-чечакли, ҳаётбахш баҳор келар*
*Ҳурриятга пешвоз чиққан карвон бу,*
*Эл бошига офтоб теккан замон бу.*

*Тўйчи бўлдинг, тўйларинг хўп ярашар,*
*Тенглар ичра бўйларинг хўп ярашар,*
*Меҳмондўстсан, чойларинг хўп ярашар*
*Садаф ичра дурга дўнган забон бу,*
*Эл бошига офтоб теккан замон бу.*

*Уч минг йиллик далилинг бор муқомдан,*
*Най навоси садо берар пайҳомдан,*
*Тол бешигинг тоблангандир сандондан*
*Зардўшт ишқи, оташидан калом бу,*
*Эл бошига офтоб теккан замон бу.*

*Ақли дилни жамлар бунда таронанг,*
*Самарқандинг улуғ ёши ёронанг,*
*Тўй қилади Марғилону Фарғонанг.*
*Аҳли дунё дийдорлашган макон бу,*
*Эл бошига офтоб теккан замон бу.*

*Ҳар жабҳада бахтинг кулар, толеъ ёр,*
*Ҳар хонадон, ҳар гўшангда хислат бор,*
*Ҳар фарзандинг, ҳар алломанг улуғвор*
*Авлиёлар қўллаб турган жаҳон бу,*
*Эл бошига офтоб теккан замон бу.*

*Кўзмунчоғим, ёмон кўздан асрасин,*
*Озод элим кучоғингга ярасин,*
*Болалардан Оллоҳ ўзи сақласин*
*Ҳурриятга пешвоз чиққан карвон бу,*
*Эл бошига офтоб теккан замон бу.*

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,**
**Самарқанд.**



**ЭРК ҚЎШИҒИ**

*Ўзбекистон тенгсиз Ватан мардона,*
*Етишдик биз орзу, аҳду паймона,*
*Довруғимиз кетмиш энди ҳар ёна,*
*Ёр-ёр янграб турсин гўзал Ватанда.*

*Ҳур диёрим бу оламнинг бир гули*
*Бизлар эса шу боғларнинг булбули,*
*Қайғу-ғамнинг кўкка совурилсин кули,*
*Шодлик мангу бўлсин озод Ватанда.*

*Ҳамроҳ бизга дойра, танбур созимиз,*
*Қўшиқ билан йўғрилган овозимиз,*
*Сабоқ олиб келажак авлодимиз,*
*Тўю, байрам қилсин обод Ватанда.*

*Эрк қуёши кулиб боқди бизларга,*
*Қувончимиз етди ой, юлдузларга,*
*Кўз тегмасин биз босган бу изларга,*
*Булбул сайраб турсин нурли Ватанда!*

*Юртбошимиз омон бўлсин, шу ният,*
*Дилда жўшган орзулар ҳам қатма-қат,*
*Сўнмас асло бу маконга муҳаббат,*
*Барча яйраб юрсин гулгун Ватанда!*

*Эзгуликка хизмат қилсин ҳар лапар,*
*Парвозлар ҳам қолмас сира бесамар,*
*Ўзбек элин кўз-кўз этсак, ярашар,*
*Қуёш порлаб турсин мангу Ватанда!*

**Баҳодир ЭГАМ,**
**Бухоро.**

**МАДҲИЯ**

*Негадир, шу қўшиқ куйланса -*
*Титроқлар киради танимга,*
*Ҳар битта сатрига қўшилиб*
*Оҳанглар сингади жонимга.*

*Ўнг қўлим юрагим устида*
*Юртимга қўшилиб куйлайман,*
*Қалб титрар қўлимнинг остида*
*Халқимнинг ўтмишин ўйлайман.*

*Мусиқа осмонга юксалар,*
*Хаёлим тортади келажак,*
*Юракда бир ишонч уйғонар:*
*Она юрт бахтиёр бўлажак.*

*Мадҳия! Энг буюк тарона*
*Куйлайман мингларга қўшилиб,*
*Мадҳия! Халқимнинг ғурури*
*Сен менинг энг азиз қўшиғим!*

**Дилноза ИСАЕВА**

**МЕН ШАЙДО**

*Ватаним жонимдасан,*
*Қалбимда қонимдасан.*
*Тарихи улуғ юртим,*
*Илм ижодга макон.*

*Довюрак ўғлонларинг,*
*Ишончли посбонларинг.*
*Садоқатда ягона,*
*Душманга қалқонларинг.*

*Барчага сахий юртим,*
*Бағринг ҳосилга лиммо-лим.*
*Тупроғинг олтинга тенг,*
*Бадавлатинг ўзбегим!*

*Сарҳадларинг—нур-зиё,*
*Субҳи сабо-аз шифо.*
*Таърифга сўз тополмай,*
*Ўктамхон ошиқ, шайдо.*

**Ўктамхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент.**

* * *



*Ватан, сен отамсан, сен мунис онам,*
*Киндик қоним тўкилган қутлуғ остонам,*
*Иссиқ қучоғингда меҳрингни бериб*
*Ўзинг улғайтирдинг силаб пешонам,*
*Ватаним-буюгим, тенгсиз кошонам.*

*Мен учун азиздир зарра тупроғинг,*
*Даштинг саҳроларинг, қир-адир, тоғинг.*
*Беҳиштга менгзайман чаманзорларинг*
*Таърифин сўзласам топмам адоғин,*
*Ватан, келди айни яшнамоқ чоғинг.*

*Истиқлол бергани- ЭРК деган хитоб,*
*Бир ёқимли сўзки, бамисли офтоб.*
*Зафарлар, ютуқлар дилга фахрдир*
*Қудратинг залвори - бори беҳисоб,*
*Ватан, дунё узра ўсгин, камол топ!*

**Гулбаҳор ҒИЁСОВА,**
**Косон тумани марказий шифохонасининг бош ҳамшираси.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




**ЭНГ КАТТА ИЛОН ҚАЙСИ?**

Анаконда ер юзидаги энг катта илон ҳисобланади. Бу сув илони Жанубий Американинг тропик ўрмонларида учрайди. Унинг танаси тўқ яшил рангли бўлиб, доғлар билан қопланган, узунлиги эса 9 метрдан ошади.

Анаконда қушлар ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар билан озиқланади. У гарчи атмосфера ҳавосидан нафас олсада, вақтининг аксарият қисмини сувда ўтказади. Бунинг боиси, анаконда бир марта нафас олиб, сувга шўнғиганида бурун катаклари маҳкам ёпилади ва ўпкасидаги ҳавонинг ташқарига чиқиб кетишига йўл бермайди. Ана шу ҳаво унга узоқ вақт сув остида қолишга имкон беради. Баъзан кундуз кунлари анаконда қуёшда тобланиш ва бутунлай ютган йирик ўлжасини ҳазм қилиш учун қирғоққа чиқиб ётади.

**ҚУШЛАР ҲАҚИДА**

Қушлар ўткир тумшуқли, танаси пат билан қопланган, икки оёқли, олдинги оёқлари эса қанотларга айланиб кетган жониворлардир. Қушлар тухум қўйиб, жўжа очиш йўли билан кўпаяди. Қушларнинг айрим турлари бир бириданкескин фарқ қилади. Масалан, пингвинлар ҳам қуш ҳисобланади, аммо уларнинг танаси пат билан қопланмаган, қанотлари калталиги боис уча олмайди, лекин тана тузилишининг бошқа барча томонлари уларнинг қуш эканлигини тасдиқлайди. Қушлар йирик ва жуда кичик бўлишади. Америкада яшайдиган кондор қушининг қанотлари ёйганида 3 метргача етади, колибри деган қуш эса боррйўғи қовоқарича келади холос. Айрим қушлар кун бўйи дам олмай учиб юрса, бошқа бир турлари умуман учолмайди. Баъзи қушлар, хусусан тўтиқуш ва товусларнинг патлари ранг-баранг ва чиройли товланиб турса, бошқалариники оққуш каби оппоқ ёки қора, қўнғир рангли бўлади. Қушларнинг баъзилари қуруқ иқлимли ўлкаларда яшашса, сув ҳавзаларига яқин жойда яшайдиганлари сувда ҳам суза олади. Бойқушлар ва кўршапалаклар кундузи ухлаб, тунда ов қилишади.



**БАРЧА ҚУШЛАР УЧА ОЛАДИМИ?**

Гарчи ҳамма қушларда қанот бўлса-да, уларнинг баъзилари мутлақо уча олишмайди. Бунга сабаб улар қанотларининг гавда ва вазнига нисбатан калталиги ҳамда шу боис қушни ҳавога кўтаришга қодир эмаслигида.

Масалан, йирик қушлардан бири ҳисобланган туяқушлар уча олмайди. Аммо уларнинг оёқлари узун ва бақувватлиги боис жуда тез югуришади.

**НЕГА АЙРИМ ҚУШЛАР КЎЧИБ ЮРИШАДИ?**

Ер шарининг қишда ҳаво кескин совуб кетадиган минтақаларида яшайдиган қушлар кеч кузда иқлими нисбатан илиқ ўлкаларга учиб кетишади. Бундай қушларни "кўчиб юрадиган қушлар" деб ҳам аташади.

Аммо маълум бўлишича, қушларни қадрдон гўшаларини ташлаб кетишга фақат совуқ мажбур этмас экан. Асосий сабаб сифатида олимлар қишда емишнинг кам бўлишини кўрсатишмоқда. Чунки кунлар совуши билан қушлар озиқланадиган аксарият ўсимликлар қуриб йўқолиб кетади, майда ҳашаротлар ҳам кескин камаяди. Бундай шароитда яшаб қолишга бўлган табиий интилиш қушларни емиш кўп жойларга учиб кетишга ундайди.

Баҳор келиб кунлар исиши билан қушлар яна ортга қайтишади. Баъзилари ўтган йилдан қолган инларида, айримлари эса янгидан ин қуриб яна қишгача тухум қўйиб жўжа очишади.

**ЭНГ МИТТИ ҚУШ**

Колибри дунёдаги энг митти қуш ҳисобланади. Уни баъзида "пашшақуш" деб ҳам аташади. Бунга фақат унинг пашша каби кичиклиги сабаб эмас. Балки учганида қанотларини тез силкитиши боис худди учувчи ҳашаротлар сингари ғўнғиллаган овоз чиқаришидадир. Аниқланишича, колибри бир сонияда қанотини 80 марта қимирлатар экан. Бу қуш фақат Жанубий Америкадагина учрайди. Унинг патлари турли рангларда бўлиб, қуёш нурида қимматбаҳо тошлардай товланиб туради.

Колибрининг энг йириклари салкам чумчуқдай бўлиб, бу тури Аргентинада яшайди. Куба колибрисининг ҳажми эса 5 сантиметрдан ошмайди.

**ҚУШЛАР ҚАНДАЙ КЎПАЯДИ?**

Нар қуш урғочисини уруғлантирганидан сўнг у инига биттадан бир нечтагача тухум қўяди. Тухумдан жўжа очиб



чиқиши учун унга маълум даражада иссиқ ҳарорат керак. Шу боис аксарият қушларда урғочиси, баъзиларида эса нар ва урғочи қуш навбати билан тухумни босиб ётишади. Орадан бир ҳафта-ўн кун ўтгач, тухумлар ёрилиб, ундан жўжалар чиқади. Айрим қушларнинг жўжалари тухумдан чиққандаёқ мустақил равишда ҳаракатлана олади. Баъзи қушларнинг жўжаси эса мисоли бир парча гўшт каби, патлари ҳам бўлмайди, кўзи ҳам туролмайди. Улар то ўзларини тутиб олгунларича ота-оналарининг қарамоғида бўлишади.

**ДАРМОН тайёрлади.**



# ДУВАРАК ОЛМА

Мадина даҳлиз эшигини шахд билан очиб кирди-да, сабзи қаламчалаб ўтирган аясининг қаршисига чўк тушди.

- Ая, олма, - деди лабларини чўччайтириб.

- Ҳмм, дабдурустдан олма егинг кепқолдими? – кенжатойига эркалата қаради Саида опа. – Эртага даданг бозорга тушса...

- Йўқ, ҳозир ейман! - чўрт кесди Мадина. – Келинойим еяптику, менга қолганда йўқми?

- Келинойинг?

- Ҳа-да. Ошхонага кирсам еб бўлай деган экан. Мени кўриб пўчоғини яширди.

Саида опанинг кўнглига муз тушгандек бўлди. Ўғлидан ранжиб кетди. Онадан яшириб хотинчасига ташияпти экан-да. Қолганларку майли, биттагина синглисига илинса бўларди. Мадинаой ёлғизгина қиз бўлса, ҳатто дадасиям кўнглига қараб, папалайди. Шу хотинини деб уч йилдан буён тирноққа зор, нимасига сийларкин. Қиш арафасида палон пулга олгандир... Ичидагисини ташига чиқармай, қизини овутган бўлди:

- Қўй энди, бирон марта яширса яширибди. Эртага биз ҳам энг сарасидан олиб келамиз.

Мадинанинг қовоғи баттар уюлди. Шу пайт эшикдан келини Муниса кириб келди.

- Менга берақолинг, аяжон,- дея лаганга қўл чўзди у. – Қолганини ўзим тўғрайман.

- Олмадан қолдими, келинпошша?

Қайнонаси охирги сўзга шундай урғу бердики, Муниса қўли муаллақ ҳолича қотиб қолди. “Вой шарманда, аям ҳам билибди-да!”.

- Ўзи биттайди, ўғлиз...

- Ҳа, энди ўғлимиз шунақа, сиз турганда бизни эслармиди.

- Ая, қўйинг, ҳозир тушунтириб бераман.

- Ҳм, биз тушунмайдиган бўп қолдикми энди? Боринг, менга эс бўлгунча ишингизни қилинг!

Мунисанинг бирдан хўрлиги келиб кетди. Бола кўрмагани учун шунчалик тили қисиқ бўлаётгани алам қилди. Изоҳ бериш ўрнига, беихтиёр ўпкалашга тушди:

- Битта олмага шунчами, ая? Шунгаям арзимадимми?

Қайнона бирпасда ловуллаб кетди. Шу баҳона туғмас келинидан боплаб аламини олди. Аллақачон ҳайдаш керак эди аслида, бирон сабаб тополмаётганди...

Шу-шу иккисининг ўртасига совуқлик тушди, айниқса Саида опанинг арази асти ёзилмади. Ахийри бир кун Муниса оппоқ орзулар билан кириб келган хонадонидан боши эгик чиқиб кетди.

Орадан вақт ўтиб, Саида опа ўғлига “яхши” келин излаб кўча кезиб қолган бир пайтда қуда томондан хушхабар келди: Муниса бошқоронғи эмиш! Она ўғли ишдан келгунича бетоқат бўлиб, тинмай ҳовлининг у бошидан бу бошига бориб келди. Асилбек дарвозадан кириб улгурмай унга пешвоз чиқди-да:

- Суюнчи бер, ўғлим, суюнчи! Мунисахоннинг бўйида бор экан! – деди ҳовлиқиб.

Ўғил эсанкираб қолди. Ўзига келгунича аяси анча гапларни гапириб юбордию, ярми ҳам қулоғига кирмади. “Мунис, Мунисам, наҳотки?!”. Гўё шу тобда кўнгил қуши “пирр” этиб кўксидан учиб чиқиб, еттинчи осмонда чарх урар эди...

Оқшом пайти эса онасининг ёлғиз қолган фурсатини пойлаб туриб, ёнига келди.

- Ая, сизда гапим бор.

- Кел, ўтир. Фақат айтиб қўяй, иш-пишингни билмайман, эрталаб ғизиллаб бориб Мунисани опкеласан.

Асилбек жавоб ўрнига бош ирғаб қўяқолди. Сўнг ўйчан гап бошлади:

- Ўшанда жанжалга сабаб бўлган олма... Сизга айтолмагандим. Дуварак олма эди.

- Қанақа?



- Дуварак дейишар экан-ку. Ишхонада бир опахонимиз бор, шунақа иримларга жуда ўч. Ўша куни кичкинагина бир олмани бериб, шунақа деди. “Бу қиш киргунча тўкилмай қолган мева, хотинингга бер, есин, фарзандли бўласизлар”, деб тайинлади. Бунақа мева дарахтнинг иккинчи гулидан ҳосил бўлармиш. Ўзиям тирноқдеккина экан. Аяжон, чўкаётган одам хасгаям ёпишаркан. Мен ҳам гўё шу билан армоним ушаладигандек, тушликка келганимда келинингизга берувдим. Уям уйга киргунча тоқат қилмай... Бор гап шу. Ўшанда айтсам бўларди-ю, фойдаси йўқ эди. Муниса боласиз барибир бу уйга сиғмасди.

Саида опа нигоҳини ерга тикканча жим ўтирарди. Бир қарашда ўйга толгандек, аммо ич-ичида туйғулари остин-устун бўларди. Ўзи-ку, Асилбегининг мушкулига бирон чора изламай қўйган, келинини ҳайдашдан ўзга муддаоси йўқ эди. Қолмишига ўғилгинасининг умидини бўғизлаган экан-да... Шу тобда гўё набирасининг вужудга келишига ўша дуварак олма сабаб бўлган-у, Саида опа душманлик қилгандек изтиробга тушди.

- Ўғлим, - деди сўник овоз билан, - эрталаб бирга борамиз.

Авжи куз арафасида, қуёш дуварак олмаларни-да тезроқ пишишга шошилтираётган кезда Асилбек ва Мунисалар қиз кўришди. Қош-кўзлари попукдек, юзлари эса нақ қирмиз олмадек...

Уч ҳикоя

# ВИДО

Айни баҳор, адашмасам, Наврўзи олам арафаси эди ўшанда. Шанба кунни кута-кута, табиатнинг гул оразни ярим очиқ ғунча янглиғ атрофга ифор таратган кунларнинг бирида қишлоққа, онам яшайдиган қадрдон ҳовлимга кириб бордим. Ҳар сафар биз келишимиз билан ростмана байрам бошланади бу ерда: қизалоқларим қафасдан қўйиб юборилган қушлардай учиб-қўниб, бир-бирига гап бермай чуғурлашади. Зумда хабар топиб, етиб келган жиянчалар онам билан тузукроқ ҳол-аҳвол сўрашишимизга ҳам қўймай, атрофимда гир айланишади.

- Вуйй, анов ширинчаларни!

Зум ўтмай сўрида чувиллашаётган болалар Шаҳнозамнинг ортидан бир-бир сакраб тушиб, кекса беҳи томон чопиб кетишади. Майсалар ичидан қоқиниб-суриниб чиқиб келаётган сап-сариқ, момиқ жўжачалар беҳи соясида тўхтаган онасининг қаноти остига шоша-пиша яширинишди. Болакайларнинг шовқинидан ҳам кўпроқ онасининг “қуқу”лашидан ваҳимага тушган миттивойлар хавфсизроқ жойга ўрнашиб олишга уриниб, бир-бирини депсаб, суриб чиқишар, бу сайин болалар қиқирлаб завқланишарди.

- Анча жўжа очдириб олибсизларми?

- Ҳа, бирин-кетин учта товуқ бостиргандик, бехато очиб чиқди жониворлар. Фақат, битта она товуқ бемеҳррoқ чиқиб, болаларини нобуд қилди-да.

Онамнинг паррандага нисбатан айтган “бемеҳр” сўзи қулоғимга ғалати чалинди. Боисини сўрашга улгурмасимдан, набиралари ичида каттароғига юзланиб:

- Муштарий қизим, санаб боқчи, ўнтамикин? – деб сўради-да, бояги гапини давом эттирди. – Бундан олдин, биринчи бўлиб чипор товуқ саккизта жўжа очганди. Шу десанг, астиям болаларига қарашни истамади. Ишонасанми, болам, ҳайвоннинг ҳам сатанги бўларкан. Хоҳлаган томонга дон излаб кетаверади, жўжалари чийиллаб, онасини излаганча ҳар томонга ёйилади. Жиянларингга ўзим бош бўлиб, ҳар қанча пойламайлик, онасичалик қўриқлолмадик – битта-битта ўғри мушук еб кетди. Охирги биттагина жўжаси қолганида, мана бу оқ товуқнинг болаларига қўшдим-да, ўзини қамаб қўйдим.

- Эссизгина, шунча жўжа увол кетипти-да – дедим ачиниб. – Шунақасиям бўларкан-да, тавба. Ахир табиий инстинктга кўра ҳар қанақа ҳайвон ҳам болалари то ўзини тутиб олгунича парвариш қилиш керак-ку.

- Э-э, болам-а, ҳар қанақа исти-мистигингнням ўзаги - меҳр бўлади. Аслида, ҳаётнинг ўзаги, мағзи ҳам шу - меҳр.

Нафсиламрини айтганда, бунақа ҳодисага мен ҳам биринчи марта дуч келдим. Кейин ўйлаб қолдим: оламдаги энг ақлли мавжудот - инсон болаларини кўчага чирқиратиб ташлаб кетаётганида, товуқ нима деган гап!

- Энўв, тўққизта экан! – ҳовлиқиб деди Муштарий. – Ҳозир “ола”сини топиб келаман.

- Ана, бунисига нима дейсан? – бош чайқади онам. – Ҳар куни ўша биттагина муштипар жўжа ажралиб, онаси қамалган катакни топиб олади. Катак атрофини айланиб, бирам чийиллайдики, юракларим эзилиб кетади.

- Наҳот шундаям она товуқ эътибор қилмаса?

Қайрилиб ҳам қарамайди. Катакдан чиқарилган заҳоти дони кўпроқ жойга югуради.

Қочоқ жўжани ушлаб келиб, сафга қўшишди. У бошқаларга нисбатан ҳиёл каттароқ, патининг ранглари ҳам ўзгача эди: уни она меҳридан мосуво қилган табиат, гўё устидан кулгандай онаси сингари чипор тус берган эди. Оналикнинг биринчи кунидан бошлаб раҳнамолик қилган оқ товуқ уни заррача яккаламасди.

Оқшомда йиғилишган акаю опаларим билан дийдорлашиб, кундузги ҳаяжонларим унутилди. Тонгда эса... шундоқ товуқхона ёнидаги йўлакдан бораётиб, чипор жўжанинг ерда чўзилиб ётган карахт жисмига кўзим тушди. Во ажаб! У тунда оғилхона бурчагидаги иссиққина жойидан, она оқ товуқ бағридан қочиб чиқиб, ўз онаси қошида, меҳр тиланиб ўлибди!

Совуқдан ўлдимикин-а? Ҳозир тунлар илиқ-ку. Ё мушукнинг ишими бу? Йўғ-е, ҳеч қаерида шикаст йўқ. Ҳатто ўғри мушук ҳам миттигина жуссанинг жасоратидан чекингандек, туни билан тегмабди.

Атайлаб товуқхонанинг эшигини очиб юбордим. Чипор товуқ ҳаммадан кейин, эринброқ чиқиб, боласининг ёнгинасидан ерни бир-икки чўқилаб ўтиб кетди. Тавба, ундан нимани кутгандим?

Патлари ҳалиям момиқ жўжани аста қўлимга олдим. Худди онасига видо айтмоқчи бўлгандек, тумшуқчаси ярим очиқ қолганди...

# ОНАМ ЁПГАН КУЛЧАЛАР

Шундай инсонлар борки, суҳбатига тўймайсан киши. Гаплашган сари яна гаплашгинг келаверади. У сени ҳаётнинг янги ва янги сарҳадлари сари бошлайди, у туфайли шундоқ оёғинг остидаги ҳақиқатни янгитдан, ўзга нигоҳ билан кўра бошлайсан. Бугун дилкаш бир даврада Ватанга муҳаббат мавзусида суҳбатлашдик.

- Аскарлик бурчимни Қора денгиз флотида адо этиб, уч йил Ватан соғинчи билан яшаганман, - деб бошлади ҳикоясини Рашид ака.

Ўша пайтлар армия сафида иттифоқнинг турли жойларидан чақирилган йигитлар бирга хизмат қилар, дийдорга интиқ ота-оналар келишга имкон йўқлигидан тез-тез “посилка” юбориб, қадрдон гўшасининг тансиқ неъматларидан фарзандларига илиниб туришарди. Биз ойлаб денгиз узра сафарда бўлганимиз туфайли, қирғоққа яқинроқ жойда сузишимизни пойлаб туриб келадиган почта билан аҳён-аҳён “учрашардик”.

Ўшанда ҳам нақд 2 ой олдин келган посилкани олгандим. Орзиқиб, энтикиб очдим. Ёнғоқ, бодом, писта, дўлтали сариёғ, яна... онам ёпган кулчалар. Соддагина онажонимей, “ўғлим иссиққина еб олсин” деб, тандирдан узибоқ солганми, кулчалар бир энликдан пўпанаклаб кетибди... Онажоним ёпган ёғли кулчалар! Уйимизнинг, қишлоғимнинг иси келарди улардан... Бўғзимга тошдек бир нима тиқилди. Онам чайир қўлига енгча кийиб, юзлари лов-лов ёниб, менга атаб ёпган кулчалар. Юзига сув урганида “повв” этиб иси оламни тутган, энг биринчиси эрка синглимнинг этагига тушган кулчалар. Меҳр тафтида пишган, соғинч кулчалари... Нима қилай уларни, нима қилай? Битта-битта қўлимга оларканман, онамнинг кўзларида ёш қалқиб турганини кўргандек бўлдим...

Ёлғиз қолгим келиб, полубага чиқдим. Тубсиз уммон сокин чайқаларди. Худди сувга чўкаётган тангадек ярим ботган қуёш уфқдан туриб шу томонга мўралар, бошим узра осмон энкаяр эди. Кулчаларни бир-бир денгизга ташладим. Чок-чокидан сўкилиб, майдаланган юрагим бўлакларини ташлардим гўё. Турнадек саф тортганча чайқалиб борарди, юракчаларим... Шунда ич-ичимда пинҳон яшаган қадрдон бир туйғу бош кўтарди-ю, қалбим йиғлаб юборди. Бу – Ватан ишқи, соғинчи эди. Юртимни қанчалар севишимни ўшанда ҳис этганман. Бу улуғвор туйғу маълум бир шароитда юзага чиқиши, балким бир умр инсон қалбида пинҳон яшаши мумкин. Энг муҳими – унинг борлиги. Уни овоза қилишнинг ҳожати йўқ меним-ча, ҳар бир инсоннинг дилида яшайди у, худди иймон каби.

**Гулчехра АСРОНОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

# ҒУНАЖИН КЎЗИНИ СУЗДИ-Ю...

"Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди", деб бежизга айтишмас экан. Ёшликда бир қалин дўстим бор эди. У билан ҳарбий хизматда танишганмиз. Туғилган кунига совға-салом кўтариб, суриштира-суриштира кечга яқин уйига кириб бордим. Ота-онаси мени хурсанд бўлиб кутиб олди. Икки акаси уй-жойли бўлиб чиқиб кетган, бўйи етиб қолган синглиси ҳали турмушга чиқмаган экан.

Мен эса 22 ёшли озод қуш эдим. Дўстимни каёққадир чиқиб кетганлигини, ҳали замон келиб қолишини айтишди. Қиз гарчи мен билан қўл бериб кўришмаган бўлса-да, саломлашиб сўрашган бўлди. Лекин кўз қарашлари менга ғалати туюлди. Мен ҳам у пайтларда унчалик бўлмаса ҳам, бўйимнинг ўртачалигини ҳисобга олмаганда ўзимга яраша кўркам эдим. Ўртоғимнинг отаси оғир-босиқ одам экану, онаси кўз-қоши бир жойда турмайдиган, 50 ни қоралаб қўйган бўлса ҳам мулойимроқ қилиб айтганда, ўзини дилбар аёллар сирасига тиқиштиришга ҳаракат қилаверркан. Хуллас, ясама хулқ-атвор ва гўзаликка интилишлари шундоққина билиниб турарди. Бояги қизнинг сирли нигоҳи-ю, онанинг ўзини тутишини кўриб, энди-энди "Онасини кўриб қизини ол",деган нақлда жон борлигига амин бўлиб турибман.

Хуллас, дўстимнинг оила аъзолари мени зериктириб қўйишмади. Бирор соатдан сўнг дўстим бир ўртоғи билан яна иккита қиз билан кириб келишди. Улар дўстимнинг синфдошлари экан. Биз йигитлар тоза ҳаводан нафас олиб ҳовлини бир оз айландик. Хизматдаги унутиб бўлмас хотираларни эсга олиб чақчақлашдик. Бу орада она бошчилигида қизлар алоҳида уйга жой ҳозирлашди. Ниҳоят дўстимнинг онаси бизни уйга киришга чорлади. Уйга кирдик. Узун хонтахтанинг устидаги нозу-неъматлар, пишириқлар, яхна ичимликларни кўриб кўзим яшнаб кетди. Минг томоғинг тақиллаб турган бўлса ҳам мезбоннинг "олинг-олинг"ига эҳтиёж сезасан, киши. Мен ҳам ўзимни "лали"га солиб турдим. Бир оз тамаддидан сўнг юзта-юзта қуйилиб, биринчи сўз менга берилди. Айтмоқчи, дастурхон атрофида уч йигит, уч қиз ўтирибмиз. Қизларнинг бири дўстимнинг синглиси эди. Қисқагина гапириб, қўлимдаги пиёлани бўшатдим. Қизлар ҳам ўзларига қуйилган шампан виносидан бир қултумдан татиган бўлишди. Даврамизга жон кирди. Мен қизларга қарашга бетламайман. Сабаб, қиз бола деган кўзини олиб қочадиган, ўзини хуркак оҳудай тутса, ҳар қандай йигит ҳам унга талпинади. Мабодо "еб қўяман, деб тикилиб турса, кўзи очилмаган ўғил бола қиз боладан ҳам уятчан бўларкан. Дўстимнинг синглисига ҳам кўзим тушиши билан менга суқ билан нигоҳ ташларди. Ҳалиги икки бегона қизлар ундай эмас, ибо-ҳаё билан чиройли бўлиб ўтиришарди. Мен уларга суқ билан эмас, шунчаки инсоний ҳавас билан қарардим.




Бир пайт томоқдан ҳеч нарса ўтмай қолди. Чунки овқатлар ортган бўлса-да бир неча шиша бўшаганди. Бошқаларни билмадиму менинг бошим арининг уясидек гувилларди. Аҳён-аҳёнда кўзим тиниб кетарди. Бурчакдаги стол устида турган магнитафондан янграётган мусиқа охири кучини кўрсатди. Ўртадаги хонтахта устидаги бор юки билан бошқа хонага "кўчиб" кетди. «Рақс тушиш майдони» ҳам ҳозир бўлди. Биз навбат билан иккитадан-учтадан бўлиб, роса рақсга тушдик. Соат иккидан ошганда барчамизнинг хуморимиз босилди. Биз йигитлар ташқарига чиқиб шамоллаб келгунимизча учта жой бизни кутиб турарди. Мен тўрга, дўстимнинг ўртоғи ўртадаги жойга, дўстим мезбон сифатида пойгакдаги жойни танлади. Бир оз гурунглашиб уччаламиз ҳам уйқуга кетдик.

Токчадаги паст қилиб ёқиб қўйилган чироқ одамни таниб бўлар даражада шуъла таратиб турарди. Не маҳалда қиз боланинг паст овози қулоғимга чалингандек бўлиб, уйқудан уйғониб кетдим.

Бу овоз яна ва яна такрорланаверди. Уни аниқ танидим. У дўстимнинг синглисининг овози эди. Жавоб қайтармасликнинг иложи бўлмагач, бошимни ёстиқдан кўтариб "ҳа" дедим. "Бир минутга буёққа чиқинг", деди бир қўлини белига, бирини эшикка тираганча у.

Бошимга болта теккандай бир зарба урилди. Овозим қалтираб "ҳозир" дедим. У эшикни очиқ қолдириб бурилиб кетди. Мен даҳшатдан бошимни кўрпага ўраб, не-не хаёлларга бормадим, дейсиз. Ахир мен меҳмон бўлсам, жон дўстимнинг тузини еб тузлигига қандай тупуришим мумкин ахир? Йигитлик ғурурим устун келиб, қизнинг орқасидан чиқдим ҳам дейлик. Ота-онаси, дўстим сезиб қолса нима деган одам бўламан? Бунинг устига ишқий мактаб бўсағасини босмаганман ҳали. Шуларни ўйлай-ўйлай ухлаб қолибман. Бир пайт "подъём!" деган овоз баробарида устимдан кўрпа олиб ташланди.

Кўзим дўстимнинг кулиб турган юзига тушди. Сапчиб ўрнимдан туриб у билан олиша кетдим. Иккаламиз ҳам ички кийимда, унинг ўртоғи бу ҳолимизни завқ билан бир четда кузатиб турарди. Роса қизишиб олдик. Кийиниб, ташқарига ювиниб келиш учун чиқаётгандик, дўстимнинг синглиси биз ётган кўрпа-тўшакни йиғиштириш учун уйга кираётиб, атай қўлини қўлимга тегизиб уйга кириб кетди. Мен ўзимни сезмаганликка олдим. Лекин у бу билан ҳам қаноатланмади. Мен ҳаммадан кейин ювиндим. Дўстим ва унинг ўртоғи уйга кириб кетишганди. Ҳалиги қиз қўлимга сочиқ тутаётиб, "Нимага тунда чақирганимда чиқмадингиз? Мен сизни еб қўймоқчи эмасдим. Ўғил боламисиз ўзи?"-деди.

Нима дейишимни билмай қўлидан сочиқни олиб юзимга босдим. Бир қошиқ сув билан ютгудай чиройга эга бўлган бу қиз кўзимга шу қадар хунук кўриниб кетдики, баҳона учун жавоб қайтаришни ҳам ҳайф билдим. Унинг шу гапидан кейин тезроқ бу даргоҳдан кетиш ҳисси уйғонди. Кеча дўстим билан тузган режаларимиз зилзиладан вайрон бўлган шаҳардек тит-пит бўлиб кетди. Эрталабки нонуштадан сўнг кетишга ҳозирландим. Дўстимнинг қаршиликлари: "Ҳеч бўлмаса яна бир кун меҳмон бўл", деб ялинишлари беҳуда кетди. У мендан бир оз хафа бўлган кўйи бекатгача кузатиб келди. Мен мўлжаллаб келган автобус кетишга шай бўлиб турган экан. Биз етиб келишимиз билан унинг ҳам мотори гуриллади.

Шунда дўстим: "Ойда, йилда бир учрашдигу, сўзимни қолдирдинг-а, мен сендан буни кутмагандим",- деб елкамдан қучиб, маҳкам бағрига босиб қаттиқ бир сиқди-ю, сўнг елкамга ўнг қўли билан бир уриб:"Бўпти, омон бўл, уйланаётганингда бир ҳафта олдин хабар бер, сенинг энг яқин дўстинг сифатида ёнингда ўзим ўтираман",- деди-ю кўзларимга тикилди. Унинг кўзларида билинар-билинмас ёш айланарди. Автобусга чиқдим, у юра бошлади. Тиқилинчда дўстимни кўрай деб ойнага талпинаман. Уни кўрдим. У кафтлари билан кўз ёшларини артаётганига кўзим тушди. Автобус бекатдан тобора узоқлашиб борарди.

Йиллар секин-аста иккимизни ҳам турмуш ташвишларига қориштириб ташлади. Уни охирги марта 14 йил бурун кўргандим. Шу йиллар мобайнида 14 қаторгина хат ёзишга ҳам вақт топмабман-а? Ҳар гал альбомни варақлаганимда унинг расмига кўзим тушиб, беғубор аскарлик даврим ёдимга тушиб кетади. Уни мендан синглисининг бебош эҳтироси ҳам ажрата олмади. Мен унинг шаънига ҳам, ўзимнинг шаънимга ҳам хиёнат қилмагандим, ўшанда...

**ТОҲИР**

# У ОИЛАЛИ, ФАРЗАНДЛИ...

Мен оилада кенжа фарзандман. Уч акам, бир опам бор. Ҳаммалари оилали. Лекин мен ёшим 24 да бўлишига қарамай ҳали турмушга чиққаним йўқ. Ёшлигимдан кўп китоб ўқиганим учунми, билмадим, ҳаётга ўзгача кўз билан қарар, севги- муҳаббатни ўзгача тушуниб, тасаввур қилардим. Ҳаётимда кўпгина йигитларни учратдим, бироқ улардан бирортаси ҳам мени мен кутганчалик севмади. Мен ўзимни тушунадиган, дардимга шерик, ҳамдард кишини топа олмай қийналардим. Уч ой илгари бир йигит билан танишиб қолдим. У менинг ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Олдинига мен унга ишонмадим. Унинг ҳис-туйғулари ўткинчи, шунчаки ҳавас, кўп ўтмай у мени унутади, ташлаб кетади, деб ўйлагандим. Бироқ у ўзини самимий тутар, мени ҳар доим тушуниб, кўнглимга қарар, менга жуда ғамхўр ва меҳрибон эди. Биз у билан кунора учрашиб турардик. Кейинчалик бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик. Биз бир-биримизни севишга ҳақли бўлмасак-да, севгимиз охири яхши тугамаслигини, бирга бўлиш учун жуда кўп курашиб, тўсиқлардан ўтишимиз кераклигини билсак-да, севгимиздан воз кечолмадик. Кўп марта муносабатларимизни тўхтатмоқчи бўлдик, лекин қўлимиздан келмади. Икки- уч кун гаплашмай юрардигу, бироқ у тўсатдан қўнғироқ қилиб қолар, келиб ишдан чиқишимни кутиб турарди ва биз яна ҳеч нарса бўлмагандек учрашиб кетардик. Хуллас, сира узилиб кетолмасдик. Мен ушбу ҳаётимдан, шу кунларимдан жуда ҳам мамнунман. Чунки кеч бўлса-да, мени тушунадиган, феъл-атвори ҳам менга мос, мени мен истаган ва кутганимдан ортиқ севиб, ардоқлайдиган инсонни топдим. Биз бир-биримизни жуда севамиз, лекин бирга бўлиш учун нима қилишни билмаймиз.




Сабаби, у оилали, фарзандли одам. Аммо хотинига кўнгилсиз, то мени учратган кунигача ўғли учунгина яшаб келган экан. Мен унга: "Барибир қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Оилангизни бузмоқчи ҳам эмасман. Келинг, энди учрашмайлик, мени унутинг",- десам-да, у бунга рози бўлмайди. Аҳволим тўғрисида ҳеч кимга юрак ютиб, оғиз очолмайман, кимдан қандай маслаҳат сўрашни ҳам билмайман. Кўча-кўйда юрсам, гўё кишилар қўлларини бигиз қилиб мени кўрсатаётгандек: "Анави қиз бузуқ, бировнинг оиласини бузмоқчи",- деяётгандек бўлади. Одамлар юзига боқишдан уяламан. Лекин юракка буйруқ бериб, уни жиловлаш ҳам жуда мушкул экан.

Бизнинг аҳволимиздан огоҳ дўстларимиз фақат бир хил маслаҳат беришади: "Бир-бирингизни унутинг, тинч, бутун бир оилани бузманг. Акс ҳолда, Оллоҳ сизнинг бу гуноҳингиз учун албатта жазолайди, бегуноҳ гўдак кўз ёши ёқангиздан тутади",- дейишади. Бироқ маслаҳат бериш жуда осон. Киши токи шу савдони ўз бошидан ўтказмагунча бировнинг дардини тўла ҳис қила олмайди. Лекин, шундай бўлса-да, мен сизлардан маслаҳат кутиб қоламан. Агар биздаги каби ҳолатни бошидан ўтказган юртдошларимиз бўлишса, фикр- мулоҳазаларини газета орқали билдиришсин. Ҳаётий маслаҳат ва ўгитлар бир оз бўлса-да, менга далда бўлармиди, деб ўйлайман.

**МОҲИРА,**
**Термиз шаҳри.**

САВОЛ – ЖАВОБ

## МУАММОСИЗ ДАМ ОЛАСИЗ!

**- Хорижга дам олиш учун бормоқчиман. У ерда ошқозон заҳарланиши ва овқат ҳазм қилишнинг бузилишини олдини олиш учун нима қилиш керак?**

**С.ВАҲОБОВА, Тошкент шаҳри.**



- Чиндан ҳам саёҳатчиларни ошқозон билан боғлиқ муаммолар қийнайди. Бунинг сабаби қайнатилмаган сув, сут ва хомлигича ейилган озиқ-овқатлар таркибидаги бактериялардир. Агар таътилингиз кўнгилли ўтишини истасангиз хорижга борганингизда қуйидаги эҳтиёт чораларига амал қилишингиз керак.

- У ерда ҳатто тиш ювадиган сувни ҳам қайнатиб, ишлатинг. Ёки бир стакан сувга бир неча томчи йод қўшиб юборсангиз, муаммонинг олдини олган бўласиз.
- Салқин ичимликларга (сувнинг қайнатилган ёки қайнатилмаганини билмасангиз) қайнатилмаган сувдан тайёрланган муз қўшмаганингиз маъқул.
- Яхши қовурилмаган гўшт, балиқ, шунингдек, қаймоқ қўшиб қўпиртирилган турли десертлардан истеъмол қилманг.
- Бозордан маҳсулот сотиб ола кўрманг. Яхшиси, озроқ қиммат бўлса ҳам дўконлардаги сифатли маҳсулотлардан сотиб олинг.
- Ошқозон бузилганда керак бўладиган дори-дармонлар сумкангизда албатта бўлсин.

## ИПАКДЕК МАЙИН БЎЛАДИ

**- Мен оёқларим парваришига эътиборлиман. Бироқ вақти-вақти билан товонларим ёрилиб азоб беради. Бунинг олдини олиш ёки тузатиш мумкинми?**

**М. КАРИМОВА, Бухоро вилояти.**

- Терининг ҳаддан ташқари қуруқшаб кетса товон ёрилишидир. Бироқ, товон тана учун зарур бўлган дармондориларнинг етишмаслиги, ошқозон яраси, замбуруғ касаллиги боис ҳам ёрилиши мумкин. Агар товон танадаги бирор жиддий касаллик сабабли ёрилмаган бўлса, уни вазелин ёрдамида тузатиш мумкин. Вазелин терини яхши юмшатиб, намлантиради. Уйқуга ётиш олдидан оёқни иссиқ сувда буғлаб, товонга вазелин сурилади. Устидан пластир ёпиштирилади. Бу муолажани то товондаги ёриқлар тузалгунча давом эттирасиз. Ушбу муолажани қўллаш давомида А ва С турли дармондорилар ичиб бориш ҳам тавсия этилади. Ейиладиган озиқ-овқатларингиз орасида кўпроқ цитрус, қора смородина, сабзи, мол жигари ва кўкатлар кўп миқдорда бўлиши керак.

Товондаги ёриқларни тузатишда тирноқгул (календула) дамламасидан тайёрланган ванналар ҳам катта фойда беради. Бунинг учун 2 ош қошиқ тирноқгул устига 2 литр қайноқ сув қуйилиб, ванна тайёрланади. Ваннадаги сув совугунча оёқларингизни тиқиб ўтиринг. Сўнг оёқни яхшилаб артиб, юмшатувчи бирорта кремдан суринг. Улар чуқур бўлиб, анча пайтгача тузалмаса таркибида антибиотиклар бўлган малҳам суриш тавсия этилади. Шунингдек, то товонингиз тузалмагунча тор, орқаси очиқ пойафзал ва суний толадан тайёрланган пайпоқларни киймаганингиз маъқул.

## АЛЛЕРГИЯНИНГ САБАБИ...

**- Назаримда менда аллергия борга ўхшайди. Аллергия бор ёки йўқлигини қандай қилиб аниқлаш мумкин?**

**Э.ТЎЛАГАНОВ, Қашқадарё вилояти**

- Сиз ўзингизда аллергия борми ё йўқлигини шифокорга учрашиб, турли анализлар топширгачгина аниқлаб олишингиз мумкин. Агар бу касалликнинг бошқа сабаблари бўлмаса, аллергенларни аниқлаш муолажаси ўтказилади.

Биринчи галда ўз-ўзингизни кузатиш тавсия этилади. Яъни, шифокор сиздан бу нарса сизда қай пайтда бошланишини суриштира бошлайди. Бу мавсумийми ёки сизда йил давомида кузатиладими? Эҳтимол буни кечқурун ёки кундузи кузатгандирсиз? Ёки жойдан-жойга кўчиш ҳам киши соғлиғига таъсир қилиши мумкин.

Савол-жавобдан қониқмаган шифокор сизни анализ топширишга жўнатиши мумкин. Тери остига тахмин қилинган аллерген, микроскопик моддадан юборилади. Агар бу моддадан тери қизариб шамоллаш бошланса, демак, айнан шу моддага аллергиянгиз бор. Шундан кейингина шифокор даволаш муолажаларини бошлайди.

## КОФЕ ВА КОНЬЯК ДАВОЛАЙДИМИ?

**Одатда, бош оғриганда, кофе ёки коньяк ичишни маслаҳат берилади. Бу борада мутахассисларнинг фикри қандай?**

**З. МАШРАБОВА, Андижон шаҳри.**



- Кофе ёки кофеин томирларни торайтириш хусусиятига эга. Шунинг учун таркибида кофеин ёки кодеин бўлган оғриқни қолдирувчи дорилар (хусусан цитрамон) бошлари оғриган (мигрень) кишиларга яллиғланишга қарши бошқа оддий препаратларга нисбатан яхши таъсир этади. Тўғри, оғриқни қолдирувчи бундай дори-дармонларга тезда ўрганилади. Кофе билан ҳам худди шундай - агар одам кофени кўп ичиб ўрганмаган бўлса, унинг бир чашкаси бош оғриғини қолдириши мумкин. Аммо узоқ муддат давомида ҳар куни яхши кофедан бир неча маҳал ичиб юриш унга ўрганиб қолишни ҳосил қилиши ва тез-тез бош оғриғини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Аксарият замонавий кишиларнинг иш жойларида кофелари бўлади ва уни бир кунда бир неча маҳал ичишади. Дам олиш кунлари эҳтимол, бу соғлик учун яхши эмаслигини тушунибми ёки шунчаки дам олиш мақсадидами, ёинки бошқа сабабларга кўра кофе ичишмайди. Шанба, якшанба кунлари уларни бош оғриғи қийнайди. У "дам олиш кунининг бош оғриғи" дейилади. Бунинг сабабларидан бири ҳар куни истеъмол қилиб келинган кофе ичишни тўхтатишдир. Душанбада иш бошландими, яна кофе ва гўё ҳаммаси жойида. Бир қадаҳ коньяк масаласига келсак, у бош оғриғи касаллиги (мигрень) билан хаста бўлган бемор учун эмас, балки қаттиқ ишлаш натижасида боши оғриган киши учун яхши. Оз миқдордаги спиртли ичимлик томирларни кенгайтириш хусусиятига эга. Бош оғриғи касаллигида эса томирлар бусиз ҳам кенгаяди ва айнан шу (томир кенгайиши) бош оғриғини келтириб чиқаради (бош оғриғига сабаб бўлади).

## ЦИСТИТ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

**- Мен тез-тез циститдан қийналаман. Бу касалликни қандай даволаш мумкин?**

**К. АЗИЗОВА, Чирчиқ шаҳри.**

- Ушбу касалликни келтириб чиқарадиган сабаблар жуда кўп.Турли стафилококк, энтерококк каби микроблар бунга сабаб бўлади.Танада бу микробларнинг пайдо бўлиши цистит касаллигини келтириб чиқаради. Бироқ бу касалликка иммунитетнинг пасайиб кетиши, тананинг ҳаддан ташқари совуб кетиши, пала-партиш парҳез, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш ҳам пайдо бўлади.

Яна бир сабаби, қин орқали сийдик пуфагига микроб тушиши, кичик тосдаги қон айланишининг бузилиши, тор ич кийим кийиш, гигиена қоидаларига риоя қилмасликдир. Циститни - илиқ ўринда ётган ҳолда, парҳез, кўп суюқлик ичган ҳолда даволанади.

## ТЕКШИРТИРИБ ТУРИНГ!

**- Аёллар ўз кўкракларини текширтириб туришлари шартми? Аёлнинг ўзи ҳам кўкрагидаги ўзгаришни аниқлай олиши мумкинми? Мумкин бўлса қандай қилиб?**

**Ш. МУХТОРОВА, Наманган вилояти, Чуст шаҳри.**

- 20 ёшдан бошлаб ҳар бир аёл ҳар ойда кўкрагини текширтириб туриши шарт. Климакс даври олдидаги аёллар буни ҳар гал ҳайз кўргандан сўнг 3-4 кун ўтгач қилишлари, яъни, кўкрак шишмаган ва қаттиқ бўлмаган пайтда аниқлашлари мумкин. Климакс даври бошлангач куни текширса бўлади.

Кўкракдаги муаммони қуйидагича аниқлаш мумкин:

Кўзгунинг олдига келиб, кўкракларингизга диққат билан разм солинг. Уларда шиш, ботиқ жой йўқми? Улар ўзгармаганми? Қўлларингизни бошингизга қўйган ҳолда кўкрагингизга ҳар томондан қаранг.

Шундан сўнг гилам устига ётиб, чап курагингиз остига букланган сочиқ қўйинг. Чап қўлингиз бармоқлари билан кўкрагингиз атрофини сиқиб, учига томон сийпалаб кўринг. Кўкрак ва қўлтиқ остини яхшилаб кўздан кечиринг.Шишган ёки қаттиқлашган жойи йўқми? Сўнг худди шундай қилиб, иккинчи кўкрагингизни ҳам текширинг. Агар кўкрак қаттиқлашган ёки уларининг кўриниши ўзгарган бўлса, дарҳол шифокорга учрашинг.

## ТЕРЛАШНИ ҲАМ, КАСАЛ БЎЛИШНИ ҲАМ ИСТАМАЙМАН!

**Кўп терлайдиган одам нима қилиши ва қайси дезодарантлардан фойдаланиши керак?**

**П. ҚОДИРОВ, Термиз шаҳри.**

- Энг аввало, гигиенага бефарқ бўлмаслик керак. Акс ҳолда кўп терлаш асорати терлама (терида майда унча тиниқ бўлмаган пуфакчаларнинг вужудга келиши, йиринг ва замбуруғ каби касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг олдини олиш учун мунтазам равишда ванна (қизилчали бўлса, яна ҳам яхши), душ қабул қилиш керак. Баданнинг кўпроқ ишқаланадиган жойларини далачой (зверобой), тоғжамбил (чабрец) ва мойчечак (ромашка) аралаштирилган илиқ ва совуқ сув билан ювиш лозим. Олма сиркаси аралаштирилган ванналар (1 л.сувга 2 чой қошиқ) кўп кафтлар терлашининг олдини олиш, кетказишга ёрдам беради. Қўлларни 5 дақиқа ваннада ушлаб туриш керак. Эман дарахти пўстлоғидан тайёрланган қайнатма ва мойчечак дамламаси аралаштирилган ванналар кўп терлайдиган оёқлар учун фойдалидир. Организмга таъсир этадиган доривorлар (хантал - горчица, ерқалампир-хрен, қалампир) ва спиртли ичимликларни, яхшиси камроқ истеъмол қилиш керак. Чунки улар тер ҳидининг бадбўй бўлишига сабабчи бўлади.

Орасталик моллари масаласига келсак, исталган дезодарантдан фойдаланиш мумкин. Улар тер чиқарувчи бактерияларга қарши восита бўлиб, таркибидаги атир ёқимсиз ҳид таралишига йўл қўймайди. Айни вақтда антипреспирантлардан тез-тез фойдаланишни тавсия этмаймиз. Булар терга қарши самарали восита бўлса-да, тўқималарни сиқиб, тер чиқишига тўсқинлик қилади. Бунинг натижасида у (тер) тўпланиб, пробка ҳосил бўлади. Бу эса гидроденит касаллигини, яъни тер безлари яллиғланишини келтириб чиқариши мумкин. Бирдан одатдагидан бошқача (масалан, эрталаб уйқудан турганда, хона иссиқ бўлмасада, ёстиғингиз нам бўлиши) ёки олдингига нисбатан кўп терлаш сезилса, врачга мурожаат қилиш керак, чунки ҳаддан ташқари терлаш - мушак ва қон томирлари тонуси меъёрининг бузилиши (вегетососудистая дистония) қандли диабет, қалқонсимон безлар ишлашининг бузилиши ва ҳатто инфаркт олди ҳолати каби жиддий касалликлар белгиси ҳам бўлиши мумкин.

## СЎЛАК–ДАВОМИ?

**Говмичча чиққанда, сўлакни суртиш фойда берар эмиш, шу ростми?**

**П. БОЙХЎРОЗОВ, Қашқадарё вилояти.**

Говмичча қовоқ ичидаги безнинг яллиғланиши натижасида чиқади. Сўлак эса мутлақо ташқи восита. Фақат эрталабки сўлакгина шифобахш (жароҳатни тузатувчи) хусусиятга эга, деб ҳисобланади. Авваллари қулоқларни тешишганда, тезроқ битиши учун қулоқнинг тешилган жойига сўлак суртишни маслаҳат беришган. Сўлак овқат ферментлари билан аралашгандан кейин унинг таркиби ўзгаради. Яна бир ҳолатда, хусусан кишининг тишлари ёмон ёки кариес билан хасталанган бўлса, сўлакдан фойдаланиш мутлақо акс таъсир этиши ҳам мумкин.

**НОДИРА ва ҲАМИДА тайёрлашди.**

## КИЙИМЛАРНИ САҚЛАШ, ТОЗАЛАШ, ДАЗМОЛЛАШ

Дазмол қилаётиб, матони куйдириб қўйсангиз куйган жойларига ош тузидан сепиб, уни қуёшга ёйиб қўйиш керак. Мато бурмунча вақт қуёшда турсин. Кейин эса тузни қоқиб, матони совуқ сувда чайинг. Бўлди! Матодаги доғлар дарҳол йўқолади.

✔ Агарда чармнинг ранги ўчган бўлса, бунинг учун ичган қаҳвангиз тагидаги қуйқа қўл келади. Агарда қўлга нам латта олиб, ушбу қуйқа билан хиралашган чарм кийимни артсангиз, у яна жилваланиб, ялтираб кетади. Албатта, бу ишни ниҳоятда эҳтиётлик билан бажариш керак.

Бу усул фақатгина жигарранг ва қора чарм кийимлар учун мос келади.

✔ Шимдаги стрелка чизиғини сирка солинган совун кўпикли сувга хўлланган латта босиб, дазмол қилсангиз, янада чиройли, тиғдай чиқади (1 л. совунли сувга 1 ошқошиқ сирка). Дазмол қилганда совундан асар ҳам қолмайди, бунисидан ташвишланманг.

✔ Ҳеч диққат қилганмисиз, яқиндагина сотиб олган замш куртка ичидаги қўйлакни ифлос қилиши мумкин-а? Бу ҳол замш курткадан замш доначалари тўкилишида юз беради. Курткангиз қўйлагингизни расво қилмаслиги учун олдиндан курткани чангютгичнинг гилам тозалайдиган чўткаси билан тозалаб қўйинг.

✔ Замш пойабзалнинг оҳори кетган тукларини махсус резина чўткача ёки оддий қалам ўчиргичи ёрдамида яна тикласа бўлади (резина чўткачалар истаган пойабзал дўконида сотилади).

✔ Штапель, вискоза ёки сунъий шойидан тикилган кийимларни фақат қуриганида дазмол қилиш керак. Йўқса, буғ ва сув сачрашидан мато юзаси доғ бўлиши мумкин.

✔ Костюм, плаш ва бошқа кийимларнинг кирланиб кетган ёқа ва енглари новшадил спиртида яхши тозаланади.

✔ Кроссовкани ювиш воситаси аралаштирилган илиқ сувли тоғорага хўллаб қўйиб, ювиш лозим. Сўнгра оёқ кийими уй ҳавоси ҳароратида қуритилиши лозим. Аммо шуни унутмангки, фақат синтетикадан тайёрланган пойабзалнигина шундай йўл билан тозалаш мумкин. Табиий чарм ва замшдан бўлган кроссовкаларни тозалашда бундай усулни қўллаш мумкин эмас! Замш ва пойабзални тозалашга мўлжалланган махсус упалар дўконларда бор. Ана шуларни харид қилиб қўллашингиз мумкин.



## ОШХОНА, ВАННАДАГИ ОРАСТАЛИК

✔ Чинни идишларингизни ишлатишдан аввал бир неча соат совуқ сувга солиб қўйинг. Сўнг иссиқ сувда чайиб юборинг.

✔ Ошхона столи устидаги клеёнка сизга узоқ вақт хизмат қилишини истасангиз, уни тез-тез хом сут билан артиб туринг.

✔ Санчқи ва қошиқдаги доғларни лимон сувида тозалаб, сўнг юмшоқ жун мато билан артиш керак.



✔ Пичоқ ва санчқи тоза ҳамда ялтироқ бўлсин десангиз хом картошканинг майдалаб тўғралган бўлаклари билан артиш лозим.

✔ Гўшт майдалагич (мясорубка)ни ишлатгандан сўнг уни яхшилаб ювиш, янаям маъқулроғи, ундан оппоқ қоғозни ўтказиб олиш керак.

✔ Майдалагичдан гўшт ўтказишда қийналсангиз ёки гўшт қаттиқ бўлса, ишингизни енгиллаштириш учун бир-икки қошиқ ёғ солиб юборсангиз кифоя. 1 кг. гўштни майдалаш учун атиги 2-3 қошиқ ёғ сарф бўларкан, холос.

✔ Нон сақлайдиган идиш ҳидланиб қолмаслиги учун унинг деворларини сирка билан артинг.

✔ Тозаланган картошка пўчоғини ташлаб юборишга шошилманг. Уни майда бўлакчаларга бўлиб, иссиқ сув, сирка ва туз билан аралаштирсангиз - шишаларни ювадиган жуда яхши восита ҳосил бўлади.



✔ Пўсти билан қайнатилган картошка сувини ташлаб юборманг. Бу сув шиша сопол идишларни аъло даражада тозалайди.

✔ Сабзавот қайнатилган сув билан хона гулларини (албатта совутилгандан сўнг) суғориш мумкин.

✔ Балиқ қайнатилган ҳар қандай идишни совуқ сувда ювиб, туз билан артсангиз, ҳиди тезда йўқолади.

✔ Сув қайнатгич (кипительник) ингиз қорайиб, устини қолдиқ қатламалар қоплаб олса, уни сиркали сувга солиб қайнатинг. (1 литр сувга 1-2 қошиқ уксус).

✔ Агар ваннангиз ўз ялтироқлиги ва оппоқлигини йўқотган бўлса, қуйидагича иш тутинг: сирка шимдирилган қоғоз салфеткаларни ванна ичига қўйиб чиқинг ва бир неча соат шундай қолдиринг. Бу амалдан сўнг ванна худди янгидек товланади.

✔ Алюмин кастрюл тоза ва ялтироқ бўлиши учун сувга новшадил (нашатир) спиртидан бир неча томчи томизиб артинг.

✔ Ялтироқ ва кумуш идишларни ҳам новшадил спирти билан хўлланган юнгли матода артсангиз, шу қадар ялтирайдики, кўриб янги дейсиз.

✔ Новшадил спирти билан йод доғини кетказиш мумкин.

✔ Чарм пальто, сумка ва жомадонларни кир совун, новшадил спирти ҳамда сувдан иборат аралашмада тозалаб, ялтираши учун эса канакунжут мойи билан хўлланган матода артилади.



✔ Супургингиз узоқ вақт сақланишини ва тез синиб кетмаслигини истасангиз, у янгилигида 2-3 соат туз солинган иссиқ сувда сақланг.

✔ Чойшаб яхши оқарсин десангиз, бир челак сувга бир ош қошиқ новшадил спирти қўшиб чайишингиз кифоя.

✔ Сирли идиш ва товадаги қуйиндиларни пичоқ билан қириб тозалашнинг асло ҳожати йўқ... Идиш-товоқларни каттароқ идишга солиб, устидан сув қуясиз, кейин кир совунни қирғичдан ўтказиб унга ташлаб, қайнатишга қўясиз. Ҳамма кирлари тушиб кетади. Сўнгра новшадил спирти билан сув аралашмасида чайқасангиз биноийдек бўлиб қолади.

✔ Дастурхонингизни крахмалламоқчимисиз? Крахмал яхши қайнаши учун сувга пича совун солиб юбориш мумкин, мато жилваланиши учун, уч дона қанд қўшинг.

✔ Кирланиб кетган ёмғирпўш сув ва нашатир спирти аралашмасидан (1 литр сувга 100 мл. нашатир спирти қўшиб) тозаланади.






## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

✔ Буюмда шоколад доғи қолган бўлса, тузли сувда ювилади.

✔ Кийимнинг қора бўёқ теккан жойини иссиқ сутда ушлаб турилса доғ кетади. Қизил бўёқдан қолган доғни кетказиш учун эса доғга хантал суриб, бир кун сақланг. Сўнг сувда ювиб ташланг.

✔ Оқ ип ёки зиғир толасидан тўқилган буюмдаги дазмол доғи водород пероксиди эритмаси билан (1 чой қошиғи 1 стакан сувда), бўялган жун ва ипак газламаларидаги доғ эса денатурланган спирт билан артиб кетказилади.

✔ Металлдан тайёрланган идиш-товоқларнинг зангини тўғралган хом картошка ёрдамида осон кетказса бўлади.

✔ Тилла суви югуртирилган чинни буюмларни совунли сув билан ювган маъқул.

✔ Хира тортган жез ва алюминийдан ясалган буюмларни сиёҳ ўчирадиган резинка билан артсангиз, улар асл ҳолига қайтади.

✔ Крахмал эритмасига озгина сут қуйсангиз, кийим дазмолланганда ярақлаб кетади.

✔ Музлатгичнинг музлаган қутисидаги қор ва муз қопламини олиш учун оддий парракли вентилятордан ҳаво юбориш ёки иссиқ грелка қўйиш тавсия этилади.

✔ Идишнинг ҳидини кетказиш учун қаҳва қуйқаси ёки туз билан артиб бирпас қўйиб қўйилса бас.

### КЕЛИНГА ҚАНДАЙ ГУЛ СОВҒА ҚИЛИШ КЕРАК?

Бизнинг маслаҳатимиз - бўйчан келинларга катта гулдаста, нозик-ниҳол келинларга эса кичик гулдасталар муносибдир. Бу борада адашмайин десангиз, яхшиси кичик, айлана гулдаста (бутун дунёда урфга кирган) ҳаммага ҳам мос келаверади.

## ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗГА ЁҚИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

### ТЕСТ

**1. НИКОҲ ТЎЙИНГИЗ БЎЛГАН КУННИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШНИ ИСТАРДИНГИЗ?**

**а** Эрим мени энг яхши ресторанлардан бирига таклиф этишини истардим; 5

**б** Иккимиз учун ҳам бу оқшом яна бир унутилмас воқеа бўлиб қолиши учун қўлимдан келганича ҳаракат қилардим; 1

**в** Ёдимиздан узоқ вақт ўчмайдиган тантанали оқшом сценарийсини тайёрлаб ўтказардим. 3

**2. СИЗ КЎПРОҚ ЖУФТИНГИЗНИНГ...**

**а** Касал бўлиб қолишидан қўрқасиз; 1

**б** Сиз билан қизиқмай қўйишидан хавотирдасиз; 3

**в** Бадингизга тегиб, у сизни қизиқтирмай қўйишидан чўчийсиз. 5

**3. ЭРИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА СИРА ЁҚМАЙДИГАН ЛИБОСИНГИЗНИ КИЙИШИНГИЗНИ ИЛТИМОС ҚИЛСА...**

**а** Ҳеч қачон киймасдим. Аксинча, бу либосни тезроқ йўқотишга ҳаракат қилган бўлардим; 5

**б** Кийган бўлардим. Чунки, мен учун либосимнинг эримга ёқиши муҳимроқ; 1

**в** Уни фақат эрим билан ёлғиз қолганда кийишим мумкин. 3

**4. СИЗ ЛОТОРЕЯДА БИР НЕЧА ХИЛ СОВҒА ЮТДИНГИЗ! ЛЕКИН, БИТТАСИНИ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ БЕРИЛГАН. СИЗ НИМАНИ ТАНЛАР ЭДИНГИЗ?**

**а** Эрим анчадан буён орзу қилиб юрган эркаклар соатини танлардим; 1

**б** Янги туфлимга мос келадиган бежирим сумкачани олардим; 5

**в** Замонавий фотоаппаратни. 3

**5. ЭРИНГИЗГА ЁҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРДАН ҚАЙ БИРИГА РОЗИ БЎЛАРДИНГИЗ?**

**а** Эримнинг менга умуман ёқмайдиган қариндошини меҳмонга чақирардим; 1

**б** Эрим ёқтирган аммо, қийин тайёрланадиган таомни пиширардим; 3

**в** Эрталаб туфлисини артиб қўйишни сира ёқтирмасам-да, бу ишни бажо келтирардим. 5

***Энди йиққан балларингизни ҳисоблаб кўрингчи, қайси бири сизнинг ҳаётингизга ўхшайди. Шунга қараб, керакли хулоса чиқариб оласиз.***

**5 баллдан 11 баллгача**

Сиз жуфтингизнинг истагини ҳамма нарсадан устун қўясиз. Ҳар доим ён босиша, унинг дидига қараб иш тутишга ва унинг ҳал қилувчи сўзни айтишига ўрганиб қолгансиз. Бу сизга ёқади. Эрингиз ҳам бунга жавобан ўз муҳаббати ва ғамхўрлиги билан жавоб қайтариб сизни доимо қўллайди. Сиз бу ҳолатда ҳеч нарсадан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Агар эрингиз буни суистеъмол қилаётганини сезсангиз, демак, сиз ўз фидойилигингиз билан кўпроқ нарса йўқотаяпсиз. Оиладаги мавқеингиз, қадрингиз ҳақида ўйлашингиз керак.

**12 баллдан 18 баллгача**

Эр-хотин иккингизнинг қизиқишларингиз ҳавас қилгудек даражада. Истакларингиз рад этилмаслигини иккингиз ҳам яхши биласиз. Бир-бирингиздан жуда кўп фидойилик ҳам талаб этмайсиз. Одатдаги пул, болалар тарбияси, қариндошлар билан муносабатларда келишмовчилик чиқмайди. Фикрлар ҳар хил бўлиб қолганида эса сизлар келишиб оласизлар.

**13 баллдан 25 баллгача**

Оилавий ҳаётингиздаги кўп нарса сизга боғлиқ.Сизнинг назарингизда хотинини севадиган ва ардоқлайдиган яхши эркак сизнинг кўнглингизни топиши керак. Сиз эса: «Эрнинг кўнглига қараш шарт эмас»,-дейдиганлардан эмансиз. Агар шундай эркакни учратган бўлсангиз, демак, омадингиз бор. Лекин унинг талаблари ҳақида ҳам ўйлашингиз керак. Чунки, у қанчалик севмасин, аммо, эртами кечми бундай ҳаёт унинг жонига тегиши мумкин. Баъзан эрингизга ҳам кутилмаган ёқимли совғалар тайёрлаб туришни унутманг.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлади**




**398** **Ёшим 32 да.** Асли сурхондарёликман. Ажрашганман. Ишлайман. 35 ёшгача бўлган, ажрашган, бир кичик фарзанди бўлган, садоқатли, меҳрибон ва ақлли аёл билан танишиб, турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Элбек**

**399** **Ёшим 32да.** Қашқадарёликман. Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. 35-40 ёшгача бўлган, уй-жойли, жиддий, оилани моддий таъминлай оладиган, қаердан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган эркак билан турмуш қуриш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Санам**

**400** **Ёшим 26 да.** Асли тошкентликмиз. Ҳали уйланмаганман. Ўз фирмамда ишлайман. 30 ёшгача бўлган, замонавий, чиройли, иболи ва Тошкент шаҳрида яшайдиган қизга уйланиб, ширин оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Шоҳинур**

**401** **Ёшим 51 да.** Асли тошкентликман. Аёлим вафот этган. Уйланмаган бир ўғлим бор. Ўз ҳовлимда яшайман. Ишлайман. Оилани моддий таъминлай оламан. 38 дан 45 ёшгача бўлган, ўқимишли, бефарзанд ёки турмушга чиқмаган тошкентлик аёлга уйланиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Аброр**

**402** **Ёшим 41 да.** Қибрайликман. Ажрашганман. Ўзимнинг алоҳида ҳовлим бор. Ишлайман. Жиддий эркакман. 30-35 ёшгача бўлган (бир кичик боласи бўлган), уйим-жойим дейдиган аёл билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Расул**

**403** Қизимнинг **ёши 25 да.** Ҳали турмушга чиқмаган. Оиламиз жуда яхши. 35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, касбли, уй-жойи бор, жиддий эркак бўлса қизимизга куёв қилган бўлардик.
**Манзилимиз таҳририятда.**
**Жамила**

**404** **Ёшим 68да.** Асли тошкентликман. Аёлим вафот этган. Ўз уйимда ёлғиз яшайман. Зиёли инсонман. 55-58 ёшгача бўлган, бефарзанд ёки болаларидан қутилган аёлга уйланмоқчиман.
**Тўлқин ота.**
**Манзилим таҳририятда.**

**405** **Ёшим 26 да.** Ажрашганман. Ишлайман. Тошкент вилоятиданман. Оққўнгил ва самимий аёлман. 30-32 ёшгача бўлган, ишлайдиган, аёлни қадрлай оладиган, иложи бўлса Тошкент ва Тошкент вилоятида яшайдиган, уй-жойли бир эркак бўлса турмушга чиққан бўлардим.
**Манзилим таҳририятда**
**Муҳайё**

**406** **Ёшим 53 да.** Ажрашганман. 17 ёшлик қизим бор. Институтда ўқитувчи бўлиб ишлайман. 60-62 ёшлардаги, тошкентлик, ўзининг алоҳида уйи бўлган, фарзандларидан қутулган эркак билан турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Дилхумор опа**

**407** **Ёшим 70 да.** Асли тошкентликман. Аёлим қазо қилган. Фарзандларимдан қутулганман. 65 ёшгача бўлган, тошкентлик, ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган аёл бўлса бирга умргузаронлик қилган бўлардик.
**Манзилим таҳририятда.**
**Аҳмад ота**

**408** **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Асли тошкентликман. Икки нафар фарзандим бор. Ишлайман, ўзимнинг уйим бор. Тошкентлик, 45 ёшгача бўлган, ишлайдиган, жиддий ва диёнатли эркак билан турмуш қуриш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Нигорой**

**409** Асли Бухороданмиз. Синглимнинг **ёши 23 да.** Турмушга чиқмаган. Олий маълумотли. Қўлидан ҳамма иш келади. Кўркам, қадди-қомати келишган, 25-34 ёшгача бўлган, жиддий, олий маълумотли, ишлайдиган, ўзининг уй-жойи бор йигит бўлса узатардик.
**Манзилимиз таҳририятда.**
**Маҳбуба**

**410** **Ёшим 53 да.** Олий маълумотли педагогман. Ораста, пазанда, самимий, жуда иродали аёлман. 2 нафар эгизак фарзандларим бор. Фарзандларимга оталик қила оладиган, олий маълумотли, меҳрибон, жиддий ва уй-жойли эркак бўлса турмушга чиқардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Ижобат**

**411** Асли самарқандликмиз, лекин кўп йиллардан буён Тошкентда яшаймиз. **Ёшим 31 да.** Турмушга чиқмаганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. 35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, мустақил, оилани қадрлай оладиган йигитга турмушга чиқмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Раъно**

**412** **Ёшим 57 да.** Турмуш ўртоғим вафот этган. Болаларимдан қутулганман. Олий даргоҳда ишлайман. Ўзимнинг уйим бор. 55-65 ёшгача бўлган, (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), меҳрибон, оқил ва иймонли бир эркак бўлса турмуш қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Баҳор опа**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# ЎША ҚИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛАМАН...

**413** - Асли Сурхондарёданман. **Ёшим 32 да.** Тақдир тақозоси экан, умид билан қурган оилам бузилди. “Чумчуқнинг ҳам уйи бузилмасин”,-дейишгани тўғри экан. Оиламнинг бузилишидан кўп изтиробга тушдим, лекин вақт ҳамма нарсага даъво экан,-дея сўз бошлади ўзини Шаҳбоз дея таништирган йигит.

**- Кўпроқ ким айбдор бўлди?**

- Нима десам экан? Эркак киши кўчанинг одами-да, эрта кетади, кеч келади. Ишқилиб, рўзғорнинг камини бутлаш учун ҳаракат қилади. Мен ҳам тирикчилик дардида юрардим. Кечқурун уйга келганингизда олдингизга бир коса овқат қўйиш ўрнига етишмовчиликдан шикоят қилаверган аёл ҳамма эркакнинг кўзига ёмон кўринса керак.

**- Сизнинг оилангизда ҳам шундай бўлдими?**

- Афсуски, шундай бўлди. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. Яхши ташкилотда ишлайман. Ишдан ташқари пайтимда ҳам қўшимча меҳнат қилиб, яхшигина даромад оламан. Бир оилани моддий томондан таъминлайдиган имконга эгаман.

**- Демак, уйланиш ниятидасиз, шундайми?**

- Бошқа илож йўқ. Энди оиламни тиклаб бўлмайди. Бир умр бўйдоқ юриш ҳам қийин. Аёлим жуда чиройли, аммо қийинчиликларга бесабр эди. Ҳаётга енгил қарарди.

Бундай дейишдан мақсадим шуки менга чиройлиси эмас, камтарин, ақлли ва самимий бир қиз бўлса... Топган-тутганимга кўниб, уйимни ораста қилиб ўтирса дейман. Менга у қизнинг молу дунёси керак эмас. Ўзимники етиб ортади. Фақат кўнглимни тушунса бас. Ана шундай меҳрибон бир қиз бўлса бошимга кўтариб, энг бахтли аёлга айлантирган бўлардим.

**Кўркам бу йигитнинг тақдирига ачиндик. Лекин қалбида бахтли бўлиш истаги бор. Дунё шундай мураккаб, бир-бирини излаганлар эса жуда кўп. Истардикки, газетамиз боис Шаҳбоз ҳам ўз жуфтини топса... Бу йигитнинг севимли ёри бўлишни истаган қизлар учун манзил таҳририятда. Қўнғироқларингизни кутамиз.**

* * *

# БОЛАМГА ҚИЙИН...

**414** - Учтепа туманида яшайман. Олти нафар боламни ўқитиб, уй-жойли қилиб энди дам оламан,- дея қувонгандим, - дея гап бошлади Насиба исмли аёл. - Бироқ бандасининг эмас, Оллоҳнинг айтгани бўлар экан-да. Кенжам, **33 ёшли** ўғлимнинг турмуши бузилди. Баъзилардек аёлини уриб-сўкмасди. Келинимнинг айтганини бажо келтирарди. Мана, оқибати...

**- Нима бўлди?**

- Биз асли тўрт хонали уйда яшардик. Эримнинг ўзи ишлаб олганди бу уйни. Келин эса: “Алоҳида яшаймиз, онанг билан тургим йўқ”, - дебди. Ўғлим эса уялмай-нетмай, бу гапни менга етказди. Қарасам бўлмайдиган, келин билан ҳар куни айтишиш, унинг қошқовоғига қараш менинг жонимга тегиб кетди. Ўғлимга : “Болам, мени қариганимда ёлғиз ташлаб кетаяпсанми? Майли, қарғамайман. Икковинг тинч бўлсанг бўлди”, - дея йиғлабсиқтадим. Кейин менга бир хонали уй олиб беришди. Ўзлари эса Зангиотадан ҳовли олишди. Ўғлим машина тузатадиган қўли гул уста, кунига пул топади. Унга Зангиотадан қатнаб ишлаш оғирлик қилиб, ишхонасида ёта бошлабди.

**- Хотини билан оралари бузилибдими?**

- Ҳа, айтишларича ҳовлиси ҳам харобгина, таъмирталаб, на ҳаммоми, на алоҳида ошхонаси бор экан. Болаларим ҳамиша орасталик, мазали пишир-куйдирларимга ўрганиб қолишган-да. Келиннинг нари-бери қилган овқатлари ёқмай қолганга ўхшайди. Бунинг устига қайнонаси ҳам қўшни яшаркан. Бир куни қаттиқ уришиб қолишибди, қудам келиним иккиси ўғлимни роса уриб-юлишибди. Шу-шу ўғлим шаҳарда қаердадир ижарада яшайди. Бир-икки ишхонасига бориб уйга олиб келдим. У ҳам уйидан, ҳам хотини, болаларидан ажралиб ёлғиз қолибди. Қилмишлари учун мендан хижолатда.

**- Сиз уйингизга чақирмадингизми?**

- Худонинг зорини қилиб чақирдим. Кўнмади. “Мен сизни қақшатиб кетдим-ку, онажон. Қандай қилиб юзингизга қарайман”, - дейди. Ҳозир ҳар куни келиб овқатланиб кетади, шунисига ҳам шукр қиламан. Бир йилда уй ҳам сотиб олади. Чунки кеча-ю, кундуз ишлаяпти. Лекин оиласи бузилганига куяди. Яқинда келин судга берибди, ажрашишди. Бир-икки марта болаларини кўргани борганди. Ёнига чақирса ҳам келишмабди. Бегона бўлгани шу-да. Улар-ку, бир куни катта бўлишади. Лекин менга бир гап бўлса... Боламнинг аҳволи не кечади? 30 ёшгача бўлган, тошкентлик қиз ёки ажрашган бир аёл бўлса уйлантириб қўйсам дегандим.

**Насиба опанинг манзили таҳририятда. Опага келин бўлишни истайдиган қиз-жувонларнинг қўнғироқ ва ташрифларини кутамиз.**

**БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11162
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Б. САЙДАЛИЕВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
1 2 3 4 6